ҲАММА—САЙЛОВГА!

НАВБАҲОР қучган қуёшли Ўзбекистонда бугун катта халқ тантанаси — маҳаллий Советларга сайловлар. Қувноқ ёшлар, бахтиёр кексалар ўз гражданлик бурчларини адо этиш учун дилларда энг яхши эзгу ниятлар билан халқ номзодлари учун овоз берадилар. Оромбахш куй-қўшиқлар янграётган сайлов участкаларида сайлов бюллетенларини қўлига олган кишилар қалбларини ширин ҳаяжон чулғайди. Сиз мана шу суратда кўриб турган чеҳраларида табассум ўйнаган ёшларнинг ҳам севинчи чексиз. Булар биринчи марта овоз берадилар. Чапдан ўнгга Низомий номли Тошкент педагогика институти студентлари Ўрмон Тошметов, Малоҳат Орифжонова, Шокир Шомуқаррамов, Манзура Шукурова ва Ольга Тарасоваларни кўриб турибсиз.

И. Глауберзон фотоси.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

47-йил чиқиши

№ 61 (13.017).

1965 МАРТ 14 ЯКШАНБА

Баҳоси 2 тийин.

ХАЛҚ ИРОДАСИ

Бугун улуғ айём, натта тантана. Чеҳраларда табассум, қалбларда қувонч. Ҳамма ерда фусункор баҳор жамолидай жозибали, дилларни эркаловчи дилрабо куйлар янграйди. Сайлов участкаларида, кенг, ёруғ уйларда шодиёна. Кишилар қалби — маҳаллий Советларга сайлов, совет демократияси берган бахт, порлоқ истиқболдан ғурур-ифтихорга тўлган. Республика меҳнаткашлари бугун — ўзлари танлаган, меҳнатда ва одобда, кишиларга хизматда ва оилада, ҳар қачон ҳамма ерда намуна кўрсатган элсевар кишиларни меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ, посёлка, овул, район, шаҳар ва область Советларига депутат қилиб сайлайдилар. Депутатликка номзодлари кўрсатилган, халқ иши, коммунизм иши учун бажонидил отланган кишилар — халқнинг синалган вакилларидир.

Улар орасида республикамизнинг шонли тўйи муносабати билан Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланган Бирлашган нашриёт ишчиси Тошкент шаҳар Совети депутатлигига номзоди кўрсатилган Хатира Алимова, яқинда республика пахтакорлари қурултойидан кўкрагига Олтин Юлдуз тақиб қайтган, «оқ олтин» устаси, Хоразм область Совети депутатлигига номзоди кўрсатилган Искандар Юсупов ва бошқа ватанпарварлар бор.

Бу — совет демократиясининг меваси, унинг ҳаётдаги рамзидир. Бу — давлат бизнинг ўзимиз эканлигини кўрсатувчи ёрқин далилдир.

Шунинг учун ҳам бугун сайловчилар халқ кандидатларининг тўла ғалабаси учун, Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнаши учун, Коммунистик партиянинг доно сиёсати учун яқдиллик билан овоз берадилар.

Бу галги маҳаллий Советларга сайловлар КПСС Марказий Комитетининг ноябрь ҳамда декабрь Пленумлари совет демократиясини тагин ҳам ривожлантиришнинг янги уфқларини очиб берган, Советлар ва уларнинг ижроия комитетлари обрўси, маданий-ижтимоий ҳаётдаги ролини оширишга қаратилган тарихий қарорлари ўзининг қувончли самараларини бераётган бир вазиятда ўтмоқда.

Советларнинг ҳуқуқ ва бурчлари кенгайтирилмоқда, давлат аппаратида жамоатчилик асослари тобора ривожланмоқда. Буни доимий комиссияларнинг ҳуқуқлари оширилганлигида, кўпгина ишларнинг жамоатчилик асосида ишлайдиган бўлимларга, штатсиз ходимларга топширилганлигида кўрамиз. Натижада ижроия комитетларнинг халқ билан алоқаси мустаҳкамланиб, уларнинг таъсир кучи кун сайин ортиб бормоқда.

Сайлов олди учрашувларида меҳнаткашлар Советларнинг қудратли кучига юксак баҳо бердилар. Уларнинг кишилар турмушини юксак талаблар даражасига кўтаришга, маданий-маиший хизматни яхшилашга, ободончилик ва қурилиш ишларини тез, соз олиб боришга қаратилган фаолиятларидан мамнун эканликларини айтдилар. Шу билан бирга кўплаб янги наказлар бердилар.

Бизда ҳамма нарса инсон учун, унинг бахт-саодати учун қилинади. Инсон тўғрисида ғамхўрлик қилиш партия ва ҳукуматимиз сиёсатининг бош йўлидир. Ўзбекистон ССР нинг 1965 йил Давлат бюджетида буни яққол кўриш мумкин. Унда биз халқ бахт-саодати йўлида партия ва давлат ғамхўрлигини равшан тасаввур этамиз. Харажатлар бўйича 1 миллиард 840 миллион 486 минг сўм миқдорида тасдиқланган республика бюджети маблағларининг асосий қисми саноат, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга, капитал, уй-жой, маданий-маиший қурилишларни авж олдиришга сарфланмоқда. Халқ моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришга катта эътибор берилмоқда. Бу йил 1964 йилдагига нисбатан енгил саноатни ривожлантиришга 28,5 процент, озиқ-овқат саноатини ривожлантиришга 23 процент кўп маблағ сарфланади.

Ватан фаровонлиги ва осойишталиги йўлида фидоёнона ғайрат қилаётган совет кишилари халққа бевосита хизмат кўрсатувчи тармоқларда ва бошқа қатор соҳаларда ишлаётган ходимларнинг иш ҳақини оширилганлигидан миннатдор бўлмоқдалар. Колхозчиларга пенсия тўлашнинг янги қонунига мувофиқ бу йил республикада 400 мингдан кўпроқ колхозчи пенсия олади. Инсонга бу каби ғамхўрлик миллионлар қалбида Советлар ҳокимиятига, Ленин партиясига ташаккур ҳиссиётларини жўш урдирмоқда.

Бугун сайловчилар, минг-минглаб меҳнаткаш халқ ўз иродалари, эркинликларини амалга ошириб, Ватаннинг гуллаб-яшнаши учун, коммунистлар билан партиясизлар блокининг номзодлари учун яқдиллик билан овоз бериб, халқ ва партиянинг мустаҳкам бирлигини намойиш қиладилар, партия ва ҳукуматимиздан беҳад мамнун эканликларини ифодалайдилар.

Империалистик мамлакатларда биз буларнинг тамоман аксини кўрамиз. Сайловларда турли баҳоналар билан юзлаб кишилар овоз беришдан маҳрум этилади, давлатни бошқариш ишларига меҳнаткашлар иштирок этмайдилар. Социал тенгсизлик бу мамлакатларда асосий иллатдир.

Совет кишилари ирқ ва миллатларидан, жинс ва диний эътиқодларидан, билим даражалари ва мол-мулкларидан қатъи назар, сайлаш ҳамда сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Мўл-кўлчиликда барча инсоний ҳуқуқлардан баҳраманд яшаётган совет гражданлари маҳаллий Советлар депутатлари номзодлари учун овоз бериш билан бирга, ўзларининг партия XXII съезди қарорларини, коммунизм қурилиши Программасини амалга оширишга тайёр эканликларини, партия ва ҳукуматимиз сиёсатидан миннатдор эканликларини яна бир марта изҳор этадилар.

Ҳамма сайловга!

КОБУЛДА ҚАБУЛ МАРОСИМИ

КОБИЛ, 13 март. (ТАСС). Совет Иттифоқининг ёрдами билан қурилган Жалолобод ирригация каналини очишга бағишланиб ўтказиладиган тантаналар муносабати билан Афғонистон ҳукуматининг таклифига мувофиқ Афғонистонга келган Совет ҳукумати делегациясининг бошлиғи, СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари Д. С. Полянский ва делегация аъзолари шарафига кеча бош министр Муҳаммад Юсуф Чехельсотун саройида қабул маросими ўтказди.

Қабул маросимида бош министр ўринбосари Абдул Зоҳир ва министрлар ҳозир бўлдилар.

Дўстона ва самимий вазиятда ўтган қабул маросимида Афғонистон бош министри Муҳаммад Юсуф ва Совет ҳукумати делегациясининг бошлиғи Д. С. Полянский нутқ сўзладилар.

Бош министр Муҳаммад Юсуф ўз нутқида Совет ҳукумати делегациясининг Афғонистонга келганлиги Совет Иттифоқи тузилган пайтдан бошлаб нималар мамлакат ўртасида муттасил давом қилиб келаётган дўстликнинг шоҳидидир, деди. Бу дўстлик, деди у, мамлакатларимиз халқларининг бир-бирига ҳурматлаш, ўзаро ишонч ва яхши қўшничилик вазиятида яшашдан иборат доимий истакларига асосланмоқда.

Муҳаммад Юсуф Совет Иттифоқининг дўст халқи янада тараққий қилсин ва равнақ топсин, Афғонистон ва Совет Иттифоқи халклари ўртасидаги дўстлик янада ривожлансин, деб қадаҳ кўтарди.

Д. С. Полянский Жалолобод ирригация канали қурилиб бўлганлиги муносабати билан ўтказилаётган тантаналарда қатнашишга таклиф қилганлиги учун Афғонистон ҳукуматига ташаккур изҳор қилди. Чегаралари бир-бирига туташган давлатларнинг ҳамкорлиги, деди Совет ҳукумати делегациясининг бошлиғи, тинч-тотув яшаш сиёсатининг конкрет ва яққол кўринишларидан биридир. Бундай ҳамкорлик нуқул иқтисодий манфаатлар беришдан ташқари яхши қўшничилик муносабатларини, ҳамжиҳатликни ва ўзаро ишончни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Афғонистон ҳукумати қатъият билан ўтказиб келаётган тинчликсевар ташқи сиёсат мамлакатни тез ривожлантиришнинг жуда муҳим омилидир.

Афғонистоннинг бундай ташқи сиёсати, деди Совет делегациясининг бошлиғи, Осиёда ва бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш манфаатларига мос бўлиб тушмоқда, биз ҳам бу сиёсатни қизғин равишда табриклаймиз.

БАҲОР ШОДИЁНАСИ

Адрларда алвон табассум,
Гуллаб келар наврўзи олам.
Орттиради завқу ҳавасим
Шаҳарларим ва яшил далам.

Чўққиларга боққанча мафтун
Дарёларнинг сўзин тинглайман.
Бутун борлиқ хушнуд, лолагун,
Қалбим билан уни тенглайман.

Уйғонишнинг бу сўлим фасли
Туйғуларда қўзғар ғалаён.
Қизир ижод, гўзаллик баҳси,
Бошлар узра мовий осмон.

Бу уфқлар, бу чексиз само,
Бу нур билан йўғрилган диёр,
Сочларимни силаган сабо,
Баҳор бўлиб мавжланган анҳор,

Севги, севинч, эрк, озод нафас,
Оламаро солган довруғим —
Номинг билан, Ватан, чамбарчас,
Номинг билан — ҳаққу ҳуқуқим.

Офтобга ҳам етади қўлим,
Менга кўнглин ёради тоғлар.
Гўё менинг томирим бўлиб
Жўшиб-жўшиб сайрар ирмоқлар.

Чақмоқлар ҳам менинг изимда,
Меникидир замину замон.
Аис этади олам кўзимда
Чунки менинг номимдур инсон!

Коинотнинг маркази — инсон,
Жаранглайди айтганда номинг.
Меҳнат, ақл, идрок ва инсоф,
Саодатдир асил илҳоминг.

Сен бу йўлда неча асрлар
Кураш қилиб тўқдинг қонингни.
Бу нурашда неча насллар
Қони билан ёздинг шонингни.

Тинмагурсан, олийсан, одил,
Сенга кулиб боқди буюк давр.
Бахтинг учун бўлиб зўр омил
Уфқингга нур сочди Октябрь.

Фахр этаман бир зарранг бўлиб
Қаторингда борлигим учун,
Инсон деган ғурурга тўлиб,
Шоду бахтиёрлигим учун!

Жуманиёз ЖАББОРОВ.

ТАСС АХБОРОТИ

«КОСМОС-60» ПАРВОЗДА

1965 йил 12 мартда Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-60» учирилди.

Йўлдош ичига ТАСС 1962 йил 16 мартда эълон қилган программага мувофиқ, космик фазони тадқиқ қилишни давом эттириш учун мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган.

Йўлдошга ўрнатилган аппаратлар нормал ишлаб турибди. Координациялаш-ҳисоблаш маркази олинаётган ахборотларни ишлаб чиқмоқда.

МАТБУОТ ТАНҚИДИГА АМАЛИЙ ИШ БИЛАН ЖАВОБ БЕРАЙЛИК

Правда

Бизнинг халқ матбуотимиз совет кишисининг меҳрибон йўлдоши бўлиб қолди. У, марксизм-ленинизм идеяларини, Ленин партиясининг сиёсатини пропаганда қилмоқда, меҳнаткашларнинг ижодий ғайратини улуғ мақсадга эришишга — коммунистик жамият қуришга сафарбар қилмоқда.

Коммунистик партия, унинг Марказий Комитети матбуотни такомиллаштиришга, матбуотда эълон қилинган сўзларнинг таъсирчан бўлишига, газета ва журналларнинг танқидларига нисбатан тўғри муносабатда бўлишга ҳамиша эътибор бериб, бу тўғрида ғамхўрлик қилиб келмоқда. РКП(б)нинг VIII съездиёқ «Партия ва совет матбуоти тўғрисида» деган ўзининг резолюциясида матбуот танқидларининг таъсирчанлиги тўғрисидаги принципиал муҳим қоидани илгари сурган эди: «Қилган ишлари ҳақида матбуотда ёзилган кишилар ёки муассасалар энг қисқа муддат ичида ўша газетанинг саҳифаларида фактларга асосланган раддия беришлари ёки тузатилган хатолар ва камчиликларни кўрсатишлари лозим».

Матбуот танқидига ўз вақтида ва амалий иш билан жавоб берилсин, деган талаб бизда партия ва давлат турмушининг нормаси бўлиб қолди. Матбуот сўзининг юксак даражада таъсирчан бўлиши матбуотимиз фаолиятининг ленинча традицияси, принципидир.

КПСС XX, XXII съездларининг қарорларида коммунизм қурилишида меҳнаткашларнинг ижодий ташаббускорлиги жуда катта аҳамиятга эга эканлиги, танқид ва ўз-ўзини танқидни янада ривожлантириш зарурлиги уқтириб ўтилган. Шу муносабат билан матбуот танқидларининг таъсирчанлигини ошириш кескин вазифа бўлиб қолмоқда.

Матбуотнинг таъсирчанлиги матбуотнинг у ёки бу сигналлари юзасидан кўрилаётган турли ташкилий чораларданги ва ҳоказо эмас. Турли ва хилма-хил жанрлардаги публицистиканинг газетхонлар кенг табақаларига кундалик таъсир ўтказиши сингари таъсирчанлик формасининг аҳамияти айниқса каттадир.

Бизнинг матбуотимиз янги, прогрессив ташаббусларни қўллаб-қувватлаб, жанговар мақолалар билан чиқаётганлигини, илғорлар тажрибасини кенг кўпчиликка ёлётганлигини кўрсатувчи бир талай мисолларни айтиб бериш мумкин. Газета ва журналларда ҳикоя қилинган янги, илғор нарсалар амалда жорий қилинаётганлигининг ўзи ҳам биринчи галда матбуотимизнинг чинакам таъсирчанлигини кўрсатиб турибди.

Газеталар жамоатчиликнинг ёрдами билан, ишчи ва қишлоқ мухбирларининг доимий иштироки, партия-давлат контроли активларининг, газетхонларнинг доимий иштироки билан ўз саҳифаларида халқ хўжалигининг катта проблемаларини кўтариб чиқмоқдалар, хўжалик ва маданий қурилишдаги камчиликларни очиб ташлаб, бу камчиликларни йўқотишга ёрдамлашмоқдалар. Матбуот ношуд ва масъулиятсиз ходимларни, бракка йўл қўювчиларни ва дангасаларни қаттиқ танқид қилмоқда, бюрократларни ва виждонсиз кишиларни дангал кўрсатиб бермоқда.

Кейинги вақтларда партия органлари, газета ва журналларнинг редакциялари босилаётган материалларнинг ғоявий сиёсий савиясини, таъсирчанлигини ошириш тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қиладиган бўлиб қолдилар. Масалан Хмельницкийдаги «Радянське Поділля» газетаси чорва қишловини ташкил этишдаги катта камчиликлар тўғрисида «Жовтень» колхозидан олинган ўткир танқидий хабарни босиб чиқарди. Колхоз раиси ўрток Барялюкнинг айби билан, партия ташкилоти йўл қўйиб берганлиги натижасида колхозда ем-хашаклар хўжасизлик билан сарфлана берган, сут соғувчиларнинг ишлаши учун шароит яратиб берилмаган. Бу хабарни Украина Компартияси Хмельницкий область комитетининг бюроси колхоз раҳбарларининг ва Деражня район партия комитети секретарининг иштироки билан муҳокама қилди. Колхоз фермаларида тартибсизликка йўл қўйган шахслар қаттиқ жазоланди. Газетанинг сигнали билан кўрилган амалий чоралар колхоздаги аҳволни тузатишга ёрдам берди.

Бу мисол матбуотнинг амалий танқидини партия ташкилотлари лозим бўлган даражада қўллаб-қувватлаганида бундай танқид қандай сезиларли натижалар бериши мумкинлигини кўрсатиб турибди. Афсуски, кўпгина газеталар ўз имкониятларидан ҳали ҳам тўлиқ фойдаланмаётирлар. Ишимизнинг у ёки бу участкасидаги камчиликлар тўғрисида газета сигнал беради-ю, лекин бу сигналларнинг ҳаммаси натижасиз қолиб кетаётганлиги сингари ҳоллар ҳам бор. «Строительная газета» цемент заводларида чангни ушлаб қоладиган аппаратларни жорий қилишдаги сансалорлик масаласини неча марталаб кўтариб чиқди, баъзи корхоналар ва халқ хўжалиги кенгашларининг раҳбарлари бу катта проблемани ҳал қилишга бепарволик билан қараганликларини танқид қилди. Лекин бу масала жойидан силжимай қолаверди. СССР Халқ хўжалиги кенгаши бинокорлик материаллари бўлимининг раҳбарлари, бинокорлик материаллари саноати давлат комитети цемент саноати бошқармасининг, «Главгазоочистка»нинг раҳбарлари ўзларини газетада босилган бу танқидларни «пайқамаган» кишига солиб индамай тура бердилар.

Ўзбекистондаги «Совет Ўзбекистони», «Правда Востока» республика газеталари ва область «Ташкентская правда» газетаси маиший хизмат кўрсатувчи корхоналар ёмон ишлаётганлиги тўғрисидаги хатларни ва танқидий хабарларни бир неча йилдан бери босиб чиқармоқдалар. Маиший хизмат кўрсатиш ишларининг ёмонлиги тўғрисида «Правда Востока» газетасига икки ой ичида 316 та шикоят келди. Маиший хизмат кўрсатиш корхоналарига нисбатан ўз талабларини қўйган газетхонларнинг хатларига эга бўлгани ҳолда газета «Узглавбит»нинг бошлиғи ўрток Барабаш мақтанчоқлик билан берган интервьюни босиб чиқарди. Бу суҳбатда «Узглавбит» меҳнаткашларнинг шикоятларига жавобан нималар қилаётганлиги ҳақида битта ҳам сўз айтилмади. Масалан, республикада қийинларни ремонт қилиш ишларининг ҳажми кейинги икки йил ичида нима учун 33 процент камайиб кетганлиги тушунтириб берилмади.

Партия органлари, газеталарнинг редакциялари матбуот сигналларига нисбатан гердайиб, бюрократларча эътиборсизлик билан қараш фактларини четлаб ўтмасликлари лозим. Матбуот танқидларига гарданидан соқит қилиш учунгина расмият билан жавоб бераётган раҳбарлар ҳам бизда ҳали оз эмас. Чунончи, «Туркменская искра» газета редакцияси ўзининг танқидий мақолаларига Тошовуз пахта тозалаш заводининг директори ўрток Лебединский ёзиб юборган жавобни олди. Ў, пахта тозалаш заводи тўғрисидаги мақолаларда кўрсатилган фактлар батамом тасдиқланганлигини ва бу камчиликларни тугатмоқ учун «конкрет» чоралар кўриш мўлжаллаб қўйилганлигини ўз жавобида ёзиб юборди. Лекин бу жавоб шунчаки ёзиб юборилган жавоб эди. Кейин маълум бўлишича, директор шу жавобни ёзаётган вақтда Тошовуз зонасидаги тайёрлаш пунктларида пахтанинг нобуд бўлиши давом эта берган.

В. И. Ленин матбуот ходимларини «Масалаларга нисбатан дабдабабозлик» қилманглар, деб неча марталаб огоҳлантирган эди. Танқидий хабарда йўл қўйилган хатолар, фактларнинг аниқ бўлмаслиги, сира ўйламай айтиладиган гаплар бундай танқидий хабарнинг таъсирчанлигини анча камайтириб юборади. КПСС Марказий Комитети октябрь ва ноябрь Пленумларининг қарорлари нуқтаи назаридан қараганда, матбуот саҳифаларида дабдабабозлика, сиёсий тумтароқ гаплар ёзишига айниқса тоқат қилиб бўлмайди. Дабдабали «шапкалар» беришга, ховлиқмалик билан қуруқ мақолалар ёзишга, бўлар-бўлмасликка газета саҳифасида дабдабали шовқин-сурон кўтаришга ишқибоз бўлган кишилар афсуски, ҳали ҳам журналистлар орасида учраб туради.

Ғалати ҳол бўлса ҳам шуни айтиш керакки, Иваново областидаги «Рабочий край» газетасининг ўқувчилари областнинг бир қанча корхоналаридаги ишларнинг ҳақиқий аҳволини кўпинча марказий матбуотдан ўқиб биладилар. Масалан, Самойлов номидаги Иваново ип-газлама комбинатининг складлари касод бўлиб қолган бир неча юз минг метр штапель ва ип-газламалар билан тиқилиб ётибди. Аммо маҳаллий газета комбинатни «Балли, самойловчилар!» деб мақтагани мақтаган.

Совет матбуоти Коммунистик партиянинг бош йўлини амалга оширишда партияга тагин ҳам кўпроқ ишчанлик ва ижодий ташаббускорлик билан кўмаклашуви лозим. Газета ва журналларнинг умумий савиясини янада ошириш, матбуот сўзининг таъсирчанлигини ошириш керак, деган талаб шунинг учун ҳам қўйилмоқда.

Бу вазифани матбуот ходимлари партия ташкилотларининг ёрдами билан муваффақиятли ҳал қилишлари мумкин ва ҳал қилмоқдалар. Партия органлари матбуотнинг чиқишларига принципиал муносабатда бўлиш намунасини кўрсатишлари, бу ишдаги формализм кўринишларига қарши курашни кучайтиришлари лозим. Танқидни бўғувчиларни, сансалорликка йўл қўювчи ва расмият учунгина жавоб ёзиб юборувчи шахсларни, матбуот сигналларини менсимаётган шахсларни қаттиқ жазолаш керак.

Газета — жамоатчиликнинг минбаридир. Газетанинг ҳоҳ илғор тажриба тўғрисидаги ҳикояси бўлсин, ҳоҳ камчиликларни танқид қилиб ёзган хабари бўлсин — ҳар бир амалий ҳаққоний чиқиши худди мўлжалга бориб тегиши, кузатилган мақсадга эришуви, конкрет натижаларга олиб келиши лозим.

13 мартдаги бош мақола.

КЎЧАТ ЎТҚАЗИШ ҚАНДАЙ БОРЯПТИ

Республикамизда кўчат ўтқазиш, яшил бойликни кўпайтириш ойлиги давом этяпти. 10 мартгача республикамизда ҳаммаси бўлиб 16 миллион 540 минг тупдан экиб мевали ва манзарали дарахтлар кўчати ўтқазилди.

Сурхондарё области ва Тошкент шаҳрининг меҳнаткашлари, Урта Осиё темир йўл бошқармасининг коллективи баҳорги кўчат ўтқазиш топширигини бажаришда алоҳида намуна кўрсатяптилар. Сурхондарё областида 10 мартгача белгиланган план 53,4 процент, Тошкент шаҳрида 50,7 процент ва Урта Осиё темир йўл бошқармасида 43,3 процент адо этилди. Шунингдек Қашқадарё, Бухоро ва Андижон областлари, республика Коммунал хўжалик ва Маориф министрликлари, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Ўрмон хўжалиги ва табиатни муҳофаза қилиш бош бошқармасида ҳам кўчат ўтқазиш тез суръатлар билан давом эттирилянти.

Аммо Тошкент, Фарғона, Самарқанд ва Сирдарё областларида, республика Сув хўжалиги, Қишлоқ хўжалик, Автомобиль транспорти ва тош йўллар, Соғлиқни сақлаш министрликларида, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ихтисослаштирилган совхозлар, консерва ва виночилик саноати ишлаб чиқариш давлат комитетида бу муҳим ишга эътиборсизлик билан қараляпти. Юқоридаги областлар, министрликлар ва давлат комитетида кўчат экиш топшириғи энди 6,4—15,1 процент атрофида бажарилган. Хоразм областида хозиргача ҳаммаси бўлиб пландагига нисбатан атиги 0,6, «Главголодностепстрой»да эса 1,1 процент миқдорида кўчат ўтқазилган. Қорақалпоғистон АССРда эса бу иш ҳали бошланганги йўқ.

Коммунизмга ўтиш—шахс эркинлигини ва совет гражданларининг ҳуқуқларини бутун чоралар билан ривожлантириш демакдир. Социализм меҳнаткашларга ғоят кенг ҳуқуқ ва эркинликлар берди ва уларни гарантиялади. Коммунизм меҳнаткашларга янги буюк ҳуқуқ ва имкониятлар беради.

КПСС Программасидан.

ДАВЛАТ—ХАЛҚНИКИ

Маҳаллий Советларга бўлиб ўтган сайловлардан буён икки йил ўтди. Тарихан шу қисқа даврда республикамиз ҳаётида катта ўзгаришлар юз берди. Уй-жой, жамоат бинолари қурилиши кўлами кенгайди, янги шаҳарчалар барпо этилди. Шу билан ўнлаб янги округлар пайдо бўлди. Биргина пойтахтимизда минглаб меҳнаткашлар янги квартираларга кўчиб кирдилар. Сайлов арафасида кўплаб оилалар ҳовли тўйлари ўтказдилар. Тошкентдаги йирик панелли уйсозлик комбинатига қарашли 1-монтаж бошқармасининг И. М. Чулков раҳбарлик қилаётган бригада аъзолари республикамиздаги барча бинокорлар қатори сайловни катта меҳнат зафарлари билан кутиб олдилар. Улар қурилиш суръатини нун сайин ошириб, қисқа муддат ичида 48 квартирали учта уйни қуриб фойдаланишга топширдилар. Суратда (чапдан ўнгга): илғор монтажчилардан Ҳусанбой ХУЖАЕВ, Раис ЗАРИПОВ ўртоқлар.

А. Тўраев фотоси.

ГУЛЖАМОЛ

Орзиқиб кутилган сана 14 март — маҳаллий Советларга сайловлар куни етиб келди. Бугун қорақалпоғистонликлар меҳнатда жасорат кўрсатган кишилар номзодлари учун овоз берадилар. Орол балиқчилари ўзларининг энг яхши ўғил-қизларини маҳаллий Советларга номзод қилиб кўрсатдилар. Уларнинг кўпчилиги хотин-қизлардир. Номзодлар орасида балиқконсерва заводининг оддий ишчиси Гулжамол Давлатова ҳам бор.

Гулжамол заводда балиқ тозаловчи бўлиб ишлайди. У бу ерда 10 йилдан буён ишлайди.

Меҳнатсевар Гулжамол Давлатова номини завод коллективи ва шаҳар меҳнаткашлари ҳурмат билан тилга олишади.

— Коммунизм мўл-кўлчилик, —дейди ажойиб ишчи.—Бунга фақат меҳнат билан эришиш мумкин. Ҳар бир киши ўз нормасини ошириб бажариш билан чекланиб қолмаслиги керак. «Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун» деган шиорга тўла амал қилиб бир-биримизга ёрдам бериб ишласак бригада, цех, бутун заводимиз ҳамиша илғорлар сафида бўлади.

Гулжамолнинг сўзи билан иши бир. У смена топшириқларини 2-2,5 ҳисса бажариш билан чекланмайди. Жамоат ишларида ҳам актив қатнашади, илмий-атеистик темаларда суҳбатлар ўтказади.

Бугун СССР Олий Совети депутати Нурбика Сарсенова, Евдокия Сохнова каби дугоналари Гулжамолни чин қалбдан табриклямоқдалар.

— Дўстлар, — дейди уларга Гулжамол, — менга юксак ишонч билдиргаликлари учун коллективдан бениҳоя хурсандман. Бунга жавобан қанча ишласам ҳам оз.

Гулжамол ишлаётган консерва заводи ишчилари ўтган йилни ажойиб ютуқлар билан якунладилар. 16 миллион ўрнига 16 миллион 830 минг банка балиқ консерваси ишлаб чиқарилди. Улардан фақат иттифоқимиздагилар эмас, балки қардош демократик мамлакатлар халқлари ҳам баҳраманд бўлмоқдалар.

Етти йилликнинг охирги йилида завод коллективи ўз зиммасига олган мажбуриятларини 5 декабрга ва бажариш учун социалистик мусобақани авж олдириб юборди. Улар смена топшириқларини ошириб бажариш билан Москва ва Ленинградликларнинг ташаббусига жавобан маҳсулотларнинг сифатини яхшилашга алоҳида эътибор бермоқдалар. Ана шулар қатори Гулжамол Давлатова ҳам меҳнатда намуна кўрсатмоқда.

Меҳнаткашлар Мўйноқ шаҳар Совети депутатлигига номзоди кўрсатилган Гулжамол Давлатовага овоз берар эканлар, унинг ўз ишончларини оқлаяжагига имонлари комил.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ҚАДР

Жаҳон офтоби — Улуғ Октябрь инсонга улкан эҳсон ва неъматлар карам этди. Улардан энг аълоси одам қадрини қўёшга баравар юксакликка кўтарди. Инсонга инсоний ҳуқуқлар берди.

Бугун совет демократиясининг улуғ шарофатидан баҳра олган бир-бирига дўст, биродар, қадрдон миллат кишилари қисил қутилар ёнига келиб халкимиз бахт-саодати учун овоз бермоқдалар. Шулар сафида мен ҳам бораман, ўз ҳокимиятимни ўзим сайлайман.

Ҳар сафаргидек бу гал ҳам баҳор кучган ўлкамизда сайловлар халқнинг жуда катта шодиёнаси бўлди. Уни кўриб кишининг қалби совет демократиясидан ғурурланиш, доно Ленин партиясидан миннатдорлик ҳис-туйғулари билан тўлиб-тошади. Ҳа, ҳар қанча фахрлансанг арзийди!

Капиталистик «эркин дунё» маддоҳлари, бизда «олий демократия бор» деб жар соладилар. Ҳақиқий аҳвол қандай? Меҳнаткаш инсон у ерларда эъзозланадими? Йўқ! Капиталистик мамлакатларда бир томонда бир ҳовуч кишиларнинг кайфи-сафоси, иккинчи томонда кўпчиликнинг жабр-жафосини кўрасиз. Буржуа қаламкашларидан бири кичик оила 200 хоналик саройда яшаётганлигини кўкка кўтариб мақтади. Айни пайтда эса худди ана шу сароийлар ёнида минглаб бошпанасиз камбағал-бечоралар кўчаларда тунамоқдалар. Лўттибоз капиталистик демократиянинг асл башараси ана шунақа!

Инсон қадрини юксак қадрлаган совет демократиясига тасанно!

А. САЪДИЕВ,
тарих фанлари кандидати, доцент.

МАНДАТ

Олтин йигит. Республикамизда пахтачиликни комплекс механизациялаш ҳаракатининг ташаббускорларидан бири ҳам шу. Деҳқончиликка доир ҳамма ишнинг ижр-чиқирини сув қилиб ичиб юборган бўлмаса шунчалик доврўқ қозонармиди...

Ишончли вакил яна кўп нарсаларни сўзлади. Сайловчилар сўзга чиқиб ўз номзодларининг яхши фазилатларини тилга олишди.

— Аввало юксак ишончингиз учун чин қалбдан миннатдорман, —дея оҳиста сўз бошлади номзод. — Наказларингизни ёзиб олдим. Уларни бажариш учун нўлимдан келгунча ҳаракат қиламан...

Мақтовлардан ўнгайсизлангандай, номзод бошқа сўз айтолмади. Лекин сайловчиларга шунинг ўзи кифоя эди. Чунки улар ўз номзодларининг бир сўзли йигитлигини яхши билишарди. Шунинг учун ҳам меҳнаткашлар Киров районидаги «Оқтябрь 40 йиллиги» совхозининг комплекс механизациялашган бригадаси бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, республикада хизмат кўрсатган механизатор Қурбон Кенжаевни 291-Томоша сайлов округидан Фарғона область Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатдилар.

Эл ҳурматини қозониш қийин. Аммо уни йўқотиш осон, деган нақл бор, халқимизда. Собиқ «Париж коммунаси» колхозининг бўз йигити ҳам эл ҳурматига осонлик билан эришмади. Қурбон яшайдиган қишлоқ Шўртепада пахта у ёқда турсин сабзавот ундириш ҳам амри-маҳол. Ернинг табиати-чи? Ўжар, бағридан бир нарса беришга қизғанарди. Шунинг учун ҳам сувчи Кенжа акаининг ниҳолга ўхшаш нимжон ўғли бу ерларни забт этишга отланганида баъзи кишилар истеҳзо билан кулиб, «ҳали хомсан пишарсан, бу дамингдан тушарсан» дейишганди. Лекин улар Қурбоннинг қалби шижоатга тўлиб-тошганидан бехабар эдилар.

Тўғри, табиат билан юзма-юз олишиш осон бўлмади. Шўр қанча ювилмасин ернинг гоҳ у, гоҳ бу жойидан оқариб кўринар, гўё чўл одамлар устидан кулгандай эди. Лекин Қурбон ва унинг дўстлари бунга парво қилишмади. Телба шамол қутириб, ҳамла қилди. Аввалаб ўстирилаётган ниҳолларни илдизи билан қўпориб кетди. Одамлар бўш келмади. Яна умид билан қайта уруғ экишди.

Эҳе, табиатни забт этиш жаранёнида не-не қийинчиликлар бўлмади. Узи, бу ернинг табиати шунақа экан. Деҳқон ана шу нижиқликларга чидаса ҳосил оларкан. Қурбон ҳам табиатнинг мана шу ноз-карашмаларига чидади. Қийинчиликларни сабот билан енгди. Карталар торайтирилиб, атрофига ихота дарахтлар ўтказилди. Шу йўл билан шамолнинг кучи қирқилди. Аммо карталар майдаланиб қолди. Начора, асл деҳқон бўлсанг санъатингни намойиш қил, маҳоратингни кўрсат.

Қурбон ҳақиқатан ҳам деҳқончилик ижодий иш эканлигини амалда исботлади. 54 гектар майдонда пўлат отни жавлон урдирди. Шундай ишладики, ер ҳам тан бериб, унинг измига юрди. Йиллар ўтган сайин Қурбон Кенжаев бошлиқ бригада аъзоларининг ғайратига билим, механизация кучига тажриба пайванд бўлаверди. Ҳосилдорлик ҳам ошаверди.

Лекин йигитнинг кўнгли ҳамон тўлмасди. Ахир битта-иккита бригада ишини механизациялаштиргани билан областимиз, қолаверса республикамизга катта манфаат бўлармиди? Шу фикр уни 1964 йилнинг илк баҳорида Фарғона механизаторларига очиқ хат билан мурожаат қилишга даъват қилди. Областдаги 283 бригада бу чақириққа лаббай деб жавоб бериб, кенжаевчасига ишлашга аҳд қилди. Механизатор бу билан нифояланиб қолмади. Илғор тажриба мактаби очиб 60 га яқин механизаторни мўл ҳосил олиш сирларидан огоҳ қилди. Юбилей йилининг олтин кузида катта тўйимизга муносиб совға тайёрлади.

Бригада бўйича гектаридан салкам 36 центнердан дур ундирилди. Ҳосилнинг 90 проценти машинада терилди. Узи хирмонга 218 тонна «оқ олтин» тўнди. Унумли меҳнат баракали даромад келтирди. Бригададаги 12 ишчининг ҳар бири асосий ойлигидан ташқари қариб минг сўмдан устама мукофот олди.

Халқимиз алоҳида ўрнан кўрсатган 23 баҳодир фарзанди қатори Қурбоннинг нўксиз ҳам «Уроқ ва Болға» олтин медалини тақди. Энди қаҳрамоннинг жўшқин қалби устида иккита Ленин ордени порлаб турибди.

— Бу мукофот ёлғиз менинг меҳнатим эвазига берилгани йўқ, —деди Қурбон Кенжаев, — чунки далаларимизда муттасил мўл ҳосил етиштирилаётган экан, у аввало бутун коллективимизнинг ғайрати самарасидир. Шунинг учун ҳам юксак унвон бригадамизни, коллективимизни. Бригадамиз аъзолари етти йиллининг охирги йилида 40 центнерлик хирмон кўтариш учун андижонлик чўл қувар Мамажон Дадажонов бошлиқ бригада пахтакорлари билан беллашишга аҳд қилдилар.

Бу йил «Октябрь 40 йиллиги» совхозининг ишчи ва хизматчилари фидоқор деҳқон, новатор пахтакор Қурбон Кенжаевга область Совети депутати мандатини беришларига ҳеч шубҳа йўқ.

А. НАБИХУЖАЕВ.

НАКАЗ

Ўтган сайловлардан буён пойтахтнинг Киров районида эсда қоладиган анча ишлар қилинди.

Энгельс номли кўча Шивлигача узайтирилди. Уста Ширин номли кўча кенгайтирилянти. «Победа» дам олиш ва истироҳат боғида Ўзбекистон ССР-нинг саноат, қишлоқ хўжалиги ҳамда маданият соҳасида эришган ютуқларини намойиш қилувчи виставка қурилиб, ишга туширилди. Н. А. Семашко номли санаторий кенгайтирилди. Сайловчиларнинг наказлари асосида амалга оширилган бу қурилишларни барпо этишда район Совети депутатларининг роли катта. Депутат Зокиржон Қодировни олайлик. Лабзак маҳалла сайловчилари ундан миннатдор. Халқ хизматкори Лабзак кўчасини ремонт қилишда, автобус қатновини йўлга қўйишда; Известия маҳалласидан ўтадиган анҳор четларини гўлзор қилишда жонбозлик кўрсатди.

Биз қилинган бу ишлардан хурсандмиз. Шу билан бирга янги наказ ва мулоҳазаларимиз ҳам бор.

Полиграф кўчаси 2 йил ичида 2 марта ремонт қилинди. Биринчи ремонт сифатсизлиги учун кўчалар тез орада ўйилиб кетди. Натижада кўчани бош томонини икки марта ремонт қилишга, кўплаб маблағ сарф ашга тўғри келди. Лекин асфальт қилинган бу кўча ҳозир қандайдир максадда яна қазилмоқда. Бу қандай исрофгарчилик? Ишчилар шаҳарчаси яқинида 3 йил илгари 26-поликлиника ташкил қилинган эди. Бу ерда юзга яқин врач, ҳамшира ишлайди. Улар ўн мингдан ошик аҳолининг соғлиғини қўриқлайдилар. Лекин шу пайтгача поликлиникада врачларни нормал ишлашлари учун қулай шароит яратиб берилмаган. Хоналар жуда тор, етишмайди.

Депутатларимиз ана шу нуқсонларни тугатишда конкрет ёрдам беришлари керак.

Н. АБДУФАТТОХОВ,
сайловчи.

БЎСАҒАДА

Коммунизмнинг аён нишоналаридан бири — жамоатчи ташкилотлар сўнгги йилларда кенг қулоч ёйди. Андижон область, Москва районида ҳозир 384 та ҳар хил жамоатчи ташкилот ишлаб турибди. Уларга қишлоқ активларидан 2388 киши уюшган. Жамоатчилар район, посёлка ва қишлоқ Советлари ижроия комитетларининг мустаҳкам таянчидир.

Ижроком штатсиз бўлимлар ишига ҳам алоҳида аҳамият бермоқда. Айниқса, штатсиз ташкилий инструкторлик бўлимининг иши диққатга сазовордир. Бу бўлим ходимлари бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда қишлоқ ва посёлка Советларининг ишини тез-тез текшириб турмоқдалар.

Ўтган йилнинг куз ойлари эди. Штатсиз бўлим Октябрь қишлоқ Советида меҳнаткашларнинг уй-жойлари қандай ремонт қилинаётганини текширди. Бу ишда кишлоқ Советининг депутатлари, пенсионерлар штатсиз бўлим ходимларига яқиндан кўмак беришди. Текширишда кўп болали ва ёлғиз оналарнинг уйларини ремонт қилиш кечиктирилаётганлиги аниқланиб, ремонт ишларини тезлаштириш тадбирлари белгиланди. Ремонт ишлари билан шуғулланувчи оксоқоллар группаси ташкил этилди. Оқсоқоллар группаси уйларнинг ҳашар йўли билан барвақт ремонтдан чиқарилишини таъминлади. Бу ташаббус бошқа қишлоқ Советларида ҳам кенг қулоч ёймоқда.

Райижроком қишлоқ, посёлка Советларида ҳам жамоатчилик асосларини ривожлантиришга катта эътибор бермоқда.

Москва посёлка Советини олиб кўрайлик. Бу ерда жамоатчилик асосида ишлайдиган 4 та маҳалла комитети бор. Ана шу маҳалла комитетларига 32 жамоатчи уюшган. Улар посёлка олдида турган вазифаларни амалга оширишда кенг фаолият кўрсатмоқдалар. Ўтган йили жамоатчиликнинг кучи билан посёлка маҳаллаларидаги 7 километр ариқ тартибга солинди. 15 га яқин кўприк қайта тикланди. «Октябрь», Карл Маркс номли, Жданов номли, «Октябрь 40 йиллиги» кўчаларига жамоатчилик ёрдамида асфальт ётқизилди. 20 минг 150 туп мевали ва 18 минг тупдан ортиқ манзарали кўчатларни ўтқазиш ишида ҳам кенг жамоатчилик иштирок этди.

Меҳнаткашлар депутатлари посёлка Совети жамоатчилик асосида ишловчи ташаббускор ташкилотларнинг фаолиятини янада кучайтириш масаласини сессияда муҳокама қилди. Посёлка Советининг олтинчи чақириқ тўққизинчи сессиясида ташаббускор ташкилотларнинг фаолияти муҳокама қилиниб, уларнинг ишини яхшилаш юзасидан конкрет тадбирлар белгиланди. Муҳим сиёсий тарбия ўчоғи — маҳалла комитетларининг фаолияти кучайтирилмоқда. Посёлка Советининг Янги ҳаёт маҳалла комитети иши бунга мисол бўла олади. Маҳаллада кекса коммунист Ёқубжон Мирзаев, пенсионер Камолиддин Бобожонов, халқ маорифи аълочиси Дадажон Бобожоновлар каби жамоатчи агитаторлар маҳаллий Советларга сайловлар тўғрисида тушунтириш ишлари олиб бордилар.

Маҳаллаларда тузилган хотин-қизлар советлари оммавий-сиёсий ва маданий-оқартув ишларини олиб бориш, хотин-қизларни коммунистик руҳда тарбиялашда катта роль ўйнаётир. П. Жалилова раҳбарлик қилаётган Вокзал маҳалла хотин-қизлар Советининг аъзолари ибратли ишларни амалга оширмоқдалар. Маҳалла хотин-қизлари орасида 10 дан ортиқ коммунист бор. Кўпчилик аёллар ўрта ва олий маълумотга эга. Улар қатъий план асосида ишлаб, хотин-қизларни эскилик сарқитларидан халос этиш, уй рўзғор юмушида банд бўлган аёлларни жамоат ишларига жалб қилиш билан шуғулланмоқдалар.

Жамоатчилик асосида ишлаётган мактаб ота-оналар комитетлари ишига ҳам ўнлаб активлар жалб этилган. Улар ҳузурида аъзувчарбия ишлари, ота-оналар ўртасида педагогик пропаганда, маданий-оммавий ишлар, санитарияозодалик бўйича доимий комиссиялар тузилган. Комиссия аъзолари дарсларни яхши ўзлаштирмаётган ўқувчиларни аниқлаб, уларнинг ота-оналари билан суҳбатлар ўтказилмоқда.

Педагогик пропаганда доимий комиссияси аъзолари эса аҳоли ўртасида турли темаларда лекция, суҳбатлар ўтказмоқда. Посёлка Советининг жамоатчи ёрдамчилари—Ибодатхон Насриддинова, Абдурашид Гижировларнинг «Боланинг ахлоқий тарбиясида оиланинг роли», «Оилада боланинг меҳнат тарбияси» каби темалардаги мазмунли суҳбатларини меҳнаткашлар завқ билан тингламоқдалар.

Бугун — маҳаллий Советларга сайловлар кунида меҳнаткашлар ижроия комитет, қишлоқ ва посёлка Советлари фаолиятларида жамоатчи ташкилотларининг роли ва ташаббусини янада ошириш учун, кенг халқ оммасини давлатни бошқаришга яна ҳам кўпроқ жалб этиш учун овоз берадилар.

Н. МУМИНОВ,
Сайловчи.

Солдат МАКТУБЛАРИ

ОСОЙИШТАЛИК УЧУН

Қуёш ҳали заррин киприкларини кўтармаган, онда-сонда бирикки юлдуз кумуш этагини судраётган чоғда, мусаффо осмон, файзли тонг ғаштини сурганмисиз...

Бу тонг бизнинг қисмларимизда ҳам ўзгача отди. Радиодан ўйноқи қўй-қўшиқлар янграйди. Йигитлар халқ шодиёнаси маҳаллий Советларга сайлов кунининг бошланганлиги билан бир-бирини қизғин табриклашади. Юраклар бахтли йигитлик ғурури-ифтихори билан тўлиб тошади.

Биз солдатлар жаҳонда энг демократик конституциямиз берган инсоний ҳуқуқлардан ғурурланиб, бутун эл-юрт қатори бугун гражданлик бурчимизни адо этамиз. Бизлар совет ҳарбий санъати, революцион шон-шуҳратини кун сайин бойитаётган, ҳозирги замоннинг мураккаб техникасини моҳирона ишлата олган халқимизнинг асл фарзандлари — Совет Қуролли Кучларининг солдат ва офицерлари, халқ кандидатлари — маҳаллий Советлар депутатлигига номзодлар учун овоз берамиз.

Анвойи гуллар билан безатилган қизил қутилар ёнида солдатларнинг вазмин овозлари янграйди:

— Жаҳонда мустаҳкам тинчлик учун!

— Халқимизнинг бахт-саодати учун!

— Эл осойишталиги, коммунизм учун!

Депутатларимиз биз, солдатларнинг бу сидқидил истакларимизни адо этишларига тўла ишонамиз.

У. АБДУЛЛАЕВ, А. АБДУМАЖИДОВ, Б. СОЛИЕВ, Н. ҚИРГИЗОВ — оддий солдатлар; М. МАМАШАРИПОВ — ефрейтор; Р. АКРОМОВ — младший сержант, А. МИРСАИДОВ — матрос.

ВЦСПС ПРЕЗИДИУМИДА

ҒАЛАБА КУНИ—УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ

Шонли кун — халқимиз Совет Иттифоқининг 1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида қозонган ғалабасининг 20 йиллиги яқинлашиб қолди. ВЦСПС Президиуми ана шу тарихий воқеага бағишлаб ўтказиладиган умумхалқ байрамида касаба союз ташкилотларининг иштироки тўғрисида қарор қабул қилди.

ВЦСПС Президиуми касаба союз ташкилотларига гитлерчи босқинчилар устидан қозонилган ғалабанинг йигирма йиллигига бағишлаб иттифоқдош республикаларнинг пойтахтларида, ўлка, область марказларида, корхона ва совхозларда, муассасаларда ва ўқув юртларида тантанали йиғилишлар, митинглар, халқ сайилларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш, уруш иштирокчилари ва партизанлар ҳаракати қатнашчилари билан учрашувларни ташкил қилишни тавсия этади.

Маданият ходимлари касаба союзи Марказий Комитетига Қуролли Кучларни маданий оталиққа олиш марказий комиссияси ва Совет Армияси ҳамда Ҳарбий-Денгиз Флоти Бош Сиёсий Бошқармаси билан биргаликда апрель-май ойларида қўшинларни маданий оталиққа олиш соҳасидаги тадбирлар Бутуниттифоқ ойлигини ўтказиш топширилди.

ВЦСПС Президиуми улуғ ғалаба байрамига бағишланган тадбирлар планини тасдиқлади. Клублар, маданият уйлари ва саройларида ҳамда қизил бурчакларда лекция, доклад, суҳбатлар, жанговар шуҳрат тематик кечалари ўтказиш, Ватан Уруши ветеранлари билан, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг жангчилари билан учрашувлар уюштириш мўлжалланди. Улуғ Ватан уруши йилларида Ватан учун олиб борилган жангларда ҳалок бўлган спортчи жангчилар шарафига эсдалик мукофотлари таъсис этишга қарор берилди.

(ТАСС).

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ № 2

14 МАРТ, 1965 ЙИЛ
№ 61 (13.017).

Иван ШАМЯКИН

КАФТДАГИ ЮРАК

Белорус ёзувчиси Иван Шамякининг «Кафтдаги юрак» романи совет интеллигенциясининг ҳаётига бағишланган. Роман қаҳрамонлари хирург Ярош билан журналист Шикович замондошларимизнинг энг яхши фазилатларини ўзларида мужассамлантирган.

Улар Ватан озодлиги йўлида ҳалок бўлган, лекин шубҳа остида қолган камтар доктор Савичнинг номини оқлаш, унинг дарбадар қилинган қизини ҳаётга қайтариш йўлида катта ишлар қилишади.

Шубҳа ва одамга ишонмаслик руҳида тарбияланган, ўз ҳаловати бузилмаслиги учун кўплаб одамларни бадном қилган Гуканнинг юзидан ниқобини олиб ташлашади.

«Кафтдаги юрак» романи Ленин мукофотига тавсия этилган. Қуйида романдан парча ўқийсиз.

Секретарь қиз кириб, Ярош билан Шикович ўзларингизга киришмоқчи деганда Гуканнинг негадир юраги орқасига тортиб кетди. Бенхтиёр ўрнидан турди-да, жуда керакли бир ҳужжатни топмоқчи бўлгандай, стол устидаги қоғозларни титкиларкан:

— Чиқиб айтинг, бандман,— деб қўйди.

У ҳақ гапни айтган эди: бугун иши бошидан ошиб ётарди, бунинг устига кетмакет мажлис бўлаётган эди. Лекин шу заҳоти, шаҳар Совети депутати, комиссия раиси Ярошни ва депутат Шиковични қабул қилмасам уят бўлар, деган андишага борди. Мабодо гаплари кўп бўлса кейинга қолдириши мумкин, бироқ кабинетига киргизмаслиги...

У секретарини тўхтатди-да, шошма-пошма:

— Йўқ, йўқ... кира қолишсин, бош устига,— деди паришонхотир, қўнглидан эса: «Иккови бирга келишибди. Қўнгироқ қилиб, огоҳлантиришмапти ҳам. Нега келишди экан» — деган гапни ўтказди.

У ёрдамчиси Кушнер билан Госпланга хат ёзаётган эди. Кушнер чиқиб кетмоқчи бўлган эди. Гукан унн тўхтатди:

— Кетма.

Сўнг, ҳали эшикдан кирмаган меҳмонларни қучмоқчи бўлгандек қучоғини кенг ёзиб, эшик томон юрди. Бўсағада Ярошнинг азамат гавдаси кўринганда, у:

— Сизниям кўрадиган кун бор экан-ку!— деб хушомад қилди. — Марҳамат, марҳамат. Антон Кузьмич комиссия раиси бўлсангиз ҳам горсоветга аҳён-аҳёнда бир келасиз. Сен ҳам Кирилл кейинги вақтда негадир оёғингни тортиб кетдинг,— деди у жилмайиб. Шиковичнинг қўлини қисар экан.—Ҳалиям жаҳонгашталик қилиб юрибсанми? Қаҳрамонларни қидириб-а? — деб қўйди.

Шикович шаҳар ижроия комитети раисининг гапида пичинг борлигини сезиб, жиддий жавоб берди:

— Ҳа, қидиряпман.

Ґукан иш столи ёнидаги юмшоқ креслоларга ишора қилиб, меҳмонларни таклиф қилди:

— Марҳамат, ўтиринглар.

Меҳмонлар Кушнер билан саломлашишди-да, бир-бирларининг рўпараларига ўтиришди.

Гукан бир оз кутиб тургач, узоқ гаплашишга вақтим йўқ дегандек бурчакдаги катта соатга қараб қўйди. Кейин ярим ҳазил, ярим чин қилиб:

— Хўш, врач билан адабиётчи қандай иш юзасидан қадам ранжида қилишди?— деб сўради.

Ярош даромад қилиб ўтирмай, гапнинг лўндасини айтди-қўйди:

— Семен Парфенович, бир одамга ёрдам бериш керак.

— Керак бўлса ёрдам берамиз. Иккита депутат орага тушса, йўқ дермидик.

Шикович раснинг кўзларига тик қараб:

— Бир аёлга,— деди.

Гукан Шикович кирганидан буён ундан кўз узмаётганини сезиб турар, бунча «тикилади?» деб ўйлаб жиги-бийрон бўлар эди.

— Ундай бўлса албатта ёрдам бериш даркор.

— Бир хонали, чоғроқ, лекин алоҳида квартира керак.

Гукан оҳиста ҳуштак чалиб юборди.

— Қимматли депутат ўртоқлар, квартира ишларидан ҳали сизлар бехабарсиз.

— Аёл касалхонада оғир операция қилинган.

— Ҳа, юраги операция қилинган,— деб луқма ташлади Шикович ўйғон яшил қалам ўйнаб ўтирган Гуканнинг қўлларига разм солиб.

— Нима, унинг ота-онаси йўқми? — қизиқсиниб деди Гукан.

— Йўқ.

— Касалхонага келгунча қаерда яшаган экан?

БЎЗЛИК ЙИГИТ

Залда бир ярим мингдан ортиқ киши ўтирибди. Бир ишга қўл урса ўт чақнайдиган, «мана мен» деган йигитлар, улар билан беллашиб, мард бўлсанг, майдонга чиқ деб куч синашган қиз-жувонлар — пахтакорлар, чорвадорлар ўтирибди.

Ўрта бўйли, кулча юзли йигит вазмин юриб минбарга чиқди. Қўйин чўнтагидан икки варақ қоғоз олиб, гапира бошлади.

— Марказий Фарғона ерларини ўзлаштиришни тезлатиш учун бу ерларни яхши текислаш, коллектор ва зовурларни кўпайтириш лозим. Биз пахтакорлар, тайёр деб топширилган ерларни ишга солиш учун яна кўп куч сарфлашга, захни қочириш учун қўшимча зовурлар қазишга мажбур бўляпмиз.

Оддий колхозчи «деҳқон бола»нинг давлат аҳамиятига эга бўлган катта ишлар ҳақидаги бу гаплари ҳеч кимни ажаблантирмайди, унинг сўзини ҳамма диққат-эътибор билан тинглайди. Манноп ўзи бошчилик қилаётган бригаданинг ишлари, янги режалар ҳақида, чўлни ўзлаштириш тўғрисида ҳаяжон билан гапирмоқда. У нутқини тугатгач, залда қарсак янгради.

Пахтакорлар қурултойи ўз ишини тугатгандан сўнг бу йигит билан бафуржа суҳбатлашдик. У пахтачилик равнақи, бўз ерлар истиқболи ҳақида гапирар эди. Яна ўша дадил фикрлар, мулоҳазалар...

Пахта теримининг авжи қизғин палласи. Колхозчилар эрта тонгдан кош қорайгунча далада. Манноп Жалолов «ХВС-1,2» да пахта теряпти. Шундай қизғин даврда колхозга «Пахтакор» машинаси келди. Бу машина «ХВС»га нисбатан икки баравар унумли ишлайди. Бригада аъзолари қувониб кетишди. Манноп ҳам хурсанд. Аммо янги машинани ўрганиб, унинг тилини тушуниб олгуча вақт ўтиб кетмайдими? Ахир у синовдаги машина-ку!

Манноп олдин ҳам машиналарни синаб кўрган. «ХВС»ни ҳам биринчи бўлиб бошқарганлардан. У янги машина рулини ушлади. Конструкторлар изма-из юришди. Ўнинг фикрларини, мулоҳазаларини ёзиб олишди.

— Яхши машина! — деди Манноп конструкторларга. — Пахтани тезроқ териб олишга ёрдам берадиган машина яратибсизлар. Лекин пахтакор ҳақида ҳам ўйлаш керак.

— Ахир бу машина пахтакорнинг меҳнатини енгиллатиш учун яратилган-ку!

— Тўғри, механизаторга қулайлик тўғрисида ҳам ўйлаш керак демоқчиман. Наҳотки, шундай ақлли машинани яратган конструкторлар чанг кирмайдиган кабина, вентилятор ўрнатишни унутиб қўйишса!

Манноп ана шу гапларни айтганда «зангори кема»ларни бошқараётган минг-минглаб механизаторларни — меҳнатнинг оғирини ўз зиммасига олиб, ёзин-қишин тракторлан тушмайдиган йигитларни, этаклаб эмас, бункерлаб пахта тераётган турсунойчи хотин-қизларни ўйлаган эди.

Социалистик меҳнат қаҳрамони унвонини олган йигирма уч баҳодир орасида Бўз районидаги «Партия XX съезди» колхозининг бригада бошлиғи, механик-ҳайдовчи Манноп Жалолов ҳам бор эди. Манноп қандай қилиб юксак мукофотга сазовор бўлди? Янги қаҳрамон ҳақида ёзмоқчи бўлган киши ўзига шу саволни бермай қолмайди. Ўтган йили машинада 407,5 тонна пахта териб, эллик-олтмиш кўп минг килограммчи теримчининг ўрнини босгани учунми? 75 гектар ерга чигит экиб, планни 183 процент бажаргани, гектаридан 29 центнердан «оқ олтин» топшириб, ҳар центнер пахта таннархини бўз ер шароитида 27 сўм ўрнига 13 сўмга туширгани учунми?

Манноп Жалолов пахтачиликни комплекс механизациялаш йўлидан бориб, Асакада ном чиқарганига кўп йил бўлди. Ундан қанчақанча бригадалар ўрнак олди. У машинанинг қудратини намойиш қилди, техникага деҳқоннинг ихлосини оширди.

1961 йилнинг кеч кузида область ва республика газеталари яна Манноп Жалолов ҳақида, у бригадаси билан обод жойни, серунум ерларни қолдириб, Бўзга кўчани ҳақида ёзди.

— Чўлда деҳқончилик қилиш осон эмас, — деди колхоз раиси Аҳмаджон Мамажонов. — Бу ерни бўз дейдилар. Мана, сизларга юз эллик гектар ер. Гектаридан олти центнердан пахта олдик. Ўн центнерга етказиб берсаларингиз ҳам катта гап.

Ерлар баланд-паст, ўйдим-чуқур эди. Бригада аъзолари енг шимариб ер текислай бошладилар. Ниҳоят ҳайдаш вақти келди.

— Ўн олти-йигирма сантиметр чуқурликда ҳайданглар, — деб маслаҳат берди раис. — Бўлмаса, остидаги қора шўр кўчиб кетади. Кейин чигит эмас, шўра ҳам унмайди.

Шўр ерда деҳқончилик қилиб кўрмаган ёшлар «Шундай бўлар экан-да» деб саёз ҳайдай бошладилар.

Йигирма гектар ер шудгор қилингандан кейин Манноп ўйланиб қолди. «Бир қарич чуқурликда ҳайдаб, пахта етиштириб бўладими? Олти центнердан пахта олишнинг сабаби шу эмасмикин. Қора шўр-чи? Бу шўр экиннинг офати. Шўрни йўқотмаса чигит чириб кетса кетадики, униб чиқмайди. Ниҳолни ҳам кун қизиганда шўр бўғиб қўяди». У тажрибакорларнинг гапларини, мажлисларда эшитганларини, ўқиганларини эслади:

— Биз олти центнердан ҳосил олмоқчи эмасмиз! Қайта ҳайдаймиз. — деди Манноп қатъийлик билан.

Пахтазорни шудгорлаб, ёнига яна 50 гектар ер қўшдилар. Қиши билан ёшлар шўр ювишди. 200 гектар ер уч марта суғорилди.

Бу ҳосил учун курашнинг бошланиши эди. «Шўр ерда квадрат бўлмайди» дейишларига қарамай, бригада ҳамма ерга чигитни квадрат-уялаб экди. Бўз ерда биринчи яшил квадратлар ҳосил бўлди. Ўша йили гектаридан 14 центнердан ҳосил олинди. Ҳосилнинг ярми машина билан йиғиштириб олинди.

— Ишнинг кўзини билса, шўрда ҳам дур битаверар экан. Мен ҳам бригадирлик қилганим бўлсин, — деди колхоз инженери Мамарашид Ҳуралиев Жалолов бригадаси натижаларини кўриб. Пахта майдонининг бир қисми янги бригадага ажратиб берилди.

Бригада аъзолари яна қиши билан шўр ювишди. Ер тозаланди. Шу туфайли келгуси йилда ҳосилдорлик 26 центнерга чиқди. Пахтанинг 70 процента машинада териб олинди. Маннопнинг ўзи 237 тонна пахта терди.

Манноп Бўзга келиб, шўрланган ерларда деҳқончилик қилиш илмини ўрганган бўлса, бригада сувчиси Аҳмаджон Комилов шўр ювиш техникасини эгаллади. Моҳир механизатордан кўп нарсани ўрганган Аҳмаджон ўтган йили бригадага бошчилик қилди. Энди Манноп бошлиқ битта бригада эмас, Мамарашид, Аҳмаджон бошлиқ бригадалар ҳам мўл ҳосил етиштира бошлади.

* * *

Манноп яна бир воқеани айтиб берди. «Ўн марта «сиз-биз»дан бир марта «жиз-биз» яхшироқ» дейдилар. Бу мақолни балки еб тўймаслар тўқиётгандир. Аммо Манноп унга бошқача маъно берди. Бир ишни қил деб ўн марта айтгандан, мана бундай қилиш керак деб бир марта кўрсатган яхшироқ, деган маънода гапирди.

Ўтган йили Самарқандда пахта кеч етилди. Манноп бригадаси ҳосилни йиғиштириб бўлганда, самарқандликлар авжи теримда эди. Олдинги йили «Нарпай» совхози пахтакорларига ёрдамлашган Жалолов ўтган йили ҳозирги Хатирчи районидаги «Москва» колхозига ҳашарга борди.

— Машиналаримиз бор, механик-ҳайдовчиларимиз ҳам яхши йигитлар, — деди уни кутиб олган колхоз раиси Очилов. — Лекин машиналари яхши ишлатяпмиз, бей мақтана олмаймиз. Билмадим, йигитлар тажрибасизлик қиляптими...

Манноп дала айланди. Пахта машинада териладиган карталарни кўрди, механизаторлар билан гаплашди. Машиналарни созлашда ёрдам берди. Эртасига эл қатори ишга чиқди.

Колхоз механизаторлари кечгача ишлашар. сўнгра машинани четга қантариб қўйишарди. Шундай долзарб кунларда машина олти-етти соатгина ишларди. Манноп ўша куни соат ўнгача машинани тўхтатмади. Ҳашарчи тунда ҳам ишласа, колхоз механизаторлари қараб туришармиди! Эртасига кечаси соат ўн иккигача «зангори кема»ларнинг гуруллаши тинмади. Манноп машина қувватидан фойдаланишда шахсий намуна кўрсатди, бошқаларни эргаштирди, уларни қалбига ўт ёқди. Шу туфайли колхозда тунда ҳам пахта териш йўлга қўйилди.

Бўзлик йигит Самарқандга кеч келган бўлса ҳам, «Москва» колхозида 131 тонна пахта терди. Мавсумда терган пахтаси 400 тоннадан ошди.

Манноп ўз колхозига қайтар экан, «Москва» колхозининг механизаторларигина эмас, у ишлаган 12,13-бригадаларнинг аъзолари ҳам кузатиб қўйишди.

Юксак унвон ташаббускорларга, янгилик яратувчиларга, янгилик галабаси учун курашда, ҳар бир ишда карвонбоши бўлган, намуна кўрсатиб меҳнат қилган, бошқаларни ўз орқасидан эргаштирган аламатларга берилади. Манноп Санъат саройидан қўкрагига Ленин ордени ва Олтин Юлдуз медалини тақиб чиққанда, Тошкент қишлоқ хўжалик институтида сиртдан ўқиётган, имтиҳон топшириш учун келган Ҳакимжон Ҳамроқулов, Турсунбой Қўзибоев уни деҳқончасига қучоқлаб табриклашдилар.

Маннопнинг сал қисиқ кўзлари порлар, қалби жўш урарди. У янги режаларини бригаданинг шу икки аъзоси билан ўртоқлашди:

— Бу йил ҳосилдорликни камида 30 центнерга етказамиз. Келгуси йили янги ер очамиз, бўз бағрини тилиб, экинзор қиламиз!

Юксак унвон Манноп Жалолов ва у бошчилик қилаётган бригада аъзоларини улуғ ишга, халқ бахт-саодати йўлида янада унумли ишлашга илҳомлантирмоқда.

Ҳ. ИБРОҲИМОВ.

СОВЕТ ЭКСПОРТИ ХРОНИКАСИ

ГАНА УЧУН ТРАУЛЕРЛАР

ЛЕНИНГРАД. СССРда Гана Республикаси учун тайёрланаётган траулерларни ленинградлик инженерлар Атлантик океаннинг тропик кенгликларида сузишга «мослаштирилар». Жумладан, траулерларга электр асбоб-ускуналарининг устки қисми намга чидамли махсус лак билан бўялади. Кемаларнинг ҳажми 3.700 тонна.

ЛАТВИЯ ЭКСПОРТИ

РИГА. Латвия экспорт қилинадиган буюмлар ҳажмини тобора кўпайтирмоқда.

Ҳамиша экспорт қилинадиган товарлар — радиоприёмникилар ва радиолар, ўлчов асбоблари, электр инструментлар, ёритиш аппаратларидан ташқари кичик габаритли автобуслар, юк ортиш машиналари, микротягачлар, автоматлаштирилган дизель-генераторли электростанциялар ҳам экспорт қилинади.

Латвияда тайёрланган маҳсулотлар 77 та чет мамлакатга етказиб берилмоқда.

САВДО БИТИМЛАРИ

ТБИЛИСИ. Грузияда ишлаб чиқарилаётган товарлар экспорт қилинадиган эллиқта мамлакат рўйхатига яна Италия ва Швеция қўшилди. Бу мамлакатлар билан Тбилисидаги қурилиш материаллари комбинати ўртасида савдо битими тузилди. Битимга мувофиқ комбинат ана шу мамлакатларга мармар тоштахталар тайёрлаб беради. Грузияда битмас-туганмас мармар запаслари бор. (ТАСС).

ГУШТ, СУТ, ЁҒ-МУЛ БУЛСИН

ЙИЛЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

Наманган районининг хўжаликлари чорвачиликни ривожлантириш ва маҳсулот етиштиришни кўпайтиришда ажойиб самараларга эришяптилар. «Москва» ва Тельман номли колхозлар эса гўшт тайёрлаш йиллик планини муваффақиятли бажардилар. «Москва» колхози давлатга 804 центнер, Тельман номли колхоз эса 770 центнер гўшт сотди.

Райондаги Охунбобоев номли колхоз давлатга шу чоққача 35 тонна сут сотди. Ҳозиргача тайёрланган сут биринчи квартал планидагидан 7 тонна, ўтган йилнинг шу муддатидагига нисбатан эса 6 тонна кўпдир.

И. НАРЗУЛЛАЕВ.

УРГУТЛИКЛАР ТУҲФАСИ

Республикамиз ҳаётида қувончли воқеа бўлган маҳаллий Советлар сайловини муносиб меҳнат совғаси билан кутиб олиш учун социалистик мусобақани авж олдирган Ургут районининг чорвадорлари катта ғалабани қўлга киритдилар. Район колхозлари давлатга 760 ўрнинга 777 тонна семиз гўшт сотиб, 1-квартал планини ошириб бажардилар.

Бу муваффақиятга Карл Маркс номли, Максим Горький номли ва «Октябрь» колхозларининг чорвадорлари катта ҳисса қўшишди. Карл Маркс номли колхоз 792 центнер гўшт тайёрлаб, беш ойлик топшириқни адо этди. Максим Горький номли ва «Октябрь» колхозлари эса 130-180 центнердан гўшт тайёрладилар.

Н. ИБРОҲИМОВ.



Сиз суратда кўриб турган бу хотин-қизлар сермавж Аму бўйларидан — Қорақалпоқ элидан республика пахтакорларининг қурултойига келиб, ўз устларига юксак мажбуриятлар олишди. Фото мухбиримиз И. Глауберзон яқинда бўлиб ўтган пахтакорлар қурултойида Чимбой районидаги Калинин номли совхознинг звено бошлиғи Гулсаур Мирзамбетова (чапдан), Амударё районидаги Крупская номли колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ойим Камолова ҳамда Чимбой районидаги «Кенес» совхозининг звено бошлиғи Палзода Худойбергенова ўртоқларни суратга олган.

ТУРЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

МЕЪМОР

Бир гуруҳ чет эллик меҳмонлар Алишер Навоий номидаги давлат Академик опера ва балет театрининг залларини айланиб юриб, «Хоразм зали»да тўхтаб қолдилар. Залдаги нафис ўймакорлик безаклари меҳмонларни мафтун этган эди. Театрнинг бу кўркам залини Абдулла Болтаев бошчилигидаги хоразмлик наққошлар алоҳида эҳтиёт қўйиб безадилар. Абдулла ака ҳар бир расм ва нақшда ҳунарини кўрсатди. Наққош Рўзмат Машарипов ва бошқалар халқ устасининг чизиқлари бўйича қолиплар ясаб, ганчга гуллар ўйдилар, уларни зал деворлари ва шифтларига ихлос билан ёпиштирдилар. Ёғоч устаси Ота Полвонов ҳам Абдулла Болтаевнинг нозик расмлари асосида ёғочларга ранг-баранг гуллар ясади. Меъмор Болтаевнинг хизмати юксак тақдирланди. Унга давлат мукофоти лауреати деган фахрли унвон берилди.

Абдулла Болтаев санъаткорлар, бастакорлар, меъморлар ватани бўлган Хивада 1890 йилда бўёқчи оиласида туғилди. Кўҳна, лекин ҳамиша навқирон бу шаҳар тарихий обидалар марказидир. Шаҳардаги қадимги маданий ёдгорликлар, кўкўпар миноралларда халқнинг меъморчиликдаги юксак диди, ажойиб санъаткорлиги ўз ифодасини топган.

Халқнинг ҳурмати ва иззатига сазовор бўлган А. Болтаев 55 йилдан бери наққошлик ишлари билан шуғулланиб, ўз ҳунарини ёшларга ҳам ўргатяпти. Ана шу йиллар ичида у Сафо Бағбеков, Бекчон Давлатов, Авазниёз Бекчонов каби кўпгина шогирдларни етиштирди. Хивада тарихий ёдгорликлар эҳтиёткорлик билан сақланмоқда. Абдулла ота бошчилигида наққошлар Кўҳна Арик архитектура ансамблидек тарихий обиданинг наққоши ва безакларини меҳр билан асл ҳолига келтирдилар. У Тошкентдаги Муқимий номли театрни, Хива шаҳар совети ва колхоз клубларини безашда ҳам маҳорат кўрсатди.

Абдулла ота Болтаев Хивадаги тарих музейида 41 йилдан бери илмий ходим бўлиб ишлайди. Санъатни ривожлантиришдаги хизматларини улуғлаб, унга Республика халқ рассоми деган унвон берилди. У ҳали тетик. Абдулла ота Хоразм тарихини яхши билади, адабиётдаги тарихий мерослар билан қизиқади, шеърлар ёзади. Кекса наққош шахсий пенсионер ҳамдир.

С. ИБРОҲИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ШОФЕРЛАР

ҚУШИҚ

Юртда обрў топган шоферлар,
Йўл танобин тортган шоферлар,
Кўз йўлда-ю, қўлингиз рулда,
Эътибори ортган шоферлар.
Рулда ҳушёр, етук шоферлар,
Омон бўлинг, тетик шоферлар!

Чорлар бизни яқин-йироқлар,
Кулиб боқар яшил чироқлар,
Кўз йўлда-ю, қўлингиз рулда,
Йўловчига дўст довюраклар.
Рулда ҳушёр, етук шоферлар,
Омон бўлинг, тетик шоферлар!

Еру дўстлар кўнглида висол,
Чарх урасиз қалдиргоч мисол,
Кўз йўлда-ю, қўлингиз рулда,
Гул диёрни сайр этиб
хушҳол, —
Рулда ҳушёр, етук шоферлар,
Омон бўлинг, тетик шоферлар!

Ҳаким ХУЖАЕВ.

КЎЧАТ ЭКИНГ, БОҒ ҚИЛИНГ

БОҒЛАР — ЎЛКАМИЗ КЎРКИ

Республикамиз меҳнаткашлари қадим вақтлардан буён боғдорчилик ва токзорчилик билан шуғулланиб келадилар. Шу сабабдан Ўзбекистон ўзининг фақат олтиндан қиммат пахтаси, пилласи, жаҳонга машҳур қоракўл териси билангина эмас, балки аъло сифатли мева ва узуми билан ҳам донг таратган.

Ҳозирги вақтда серқуёш ўлкамизда боғ ва токзори бўлмаган биронта ҳам колхоз ва совхоз, томорқа участкасига ўзи ўтқазган олма, ўрик, шафтоли, анор, анжир, токнинг ширин-шакар меваси дан, узумидан баҳраманд бўлмаётган биронта ҳам колхозчи ёки совхоз ишчиси йўқ, десак хато қилмаймиз. Ҳа, диёримиз фақат «оқ олтин» ўлкасигина эмас, балки боғ ўлкаси ҳамдир.

Кейинги йилларда республикамизнинг деярли барча область ва районларида жуда катта массивларда янги боғ ва токзорлар ташкил этилди. Қадимий Мирзачўл, Марказий Фарғона, Қарши чўлида минглаб гектар янги ерлар ўзлаштирилди, ўнларча янги колхоз ва совхозлар ташкил этилди. Ана шу хўжаликлар жуда катта майдонларда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирмоқдалар. Айни вақтда ўзбек деҳқонлари ота-боболаримизнинг қадамига етган ерга дастлаб дарахт эк, деган ибрати амал қилиб, ўнлаб ва юзлаб гектар майдонларда янги боғ-роғлар ташкил этдилар, ҳозир унинг ҳузурини кўряптилар.

Ўзбекистоннинг табиий иқлим шароити, тупроғи, ҳаётбахш суви боғдорчилик ва токзорчиликни ривожлантириш, мева ва узум етиштиришни янада кўпайтириш учун жуда қулай. Соҳибкорларимиз бу соҳада катта тажриба орттирганлар. Кўпчилик хўжаликларда ана шу имкониятлардан яхши фойдаланиляпти, боғ ва токзорлар майдони йил сайин кенгайтириляпти. Айниқса, Тошкент, Самарқанд, Бухоро областлари ва Қорақалпоғистон АССР колхоз ва совхозларида боғдорчилик ва токзорчиликни ривожлантиришда намунали ишлар қилиняпти. Кейинги даврда Тошкент областининг Қалинин, Оржоникидзе, Сирдарё областининг Гулистон, Сирдарё, Самарқанд областининг Самарқанд, Каттақўрғон, Булунгур, Пастдарғом, Фарғона областининг Фарғона, Олтиариқ, Қува, Андижон областининг Наманган, Ҳўжаобод, Хоразм областининг Хива районлари ва бошқа бир қатор районлардаги колхоз ҳамда совхозларда катта майдонларда боғ ва токзорлар барпо қилинди.

Бу йил республика колхоз ва совхозларида 6347 гектар янги боғ ва 6401 гектар токзор ташкил қилиш, ўтқазилган мева ва ток кўчатларини тўла кўкартириб олиш зарур. Аммо ўтган йил кўпгина хўжаликларда ўтқазилган кўчатнинг 25-35 процента, айрим жойларда эса 50 процента кўкармади ёки парвариш қилмаслик туфайли кейинчалик қуриб қолди. Бунинг устига кам ҳосилли навлар аралаш қилиб ўтқазилди. Бу ҳол ҳосилдорликнинг пасайишига, боғдорчилик ва токзорчиликдан олинадиган даромаднинг камайиб кетишига сабаб бўлади.

Боғ ва токзорлардаги кўчатлар нормал қалинликда бўлишини таъминлаш ҳам ҳосилдорликни 30-40 процент ошириш имконини беради. Мевазор ва токзорларни навга қараб реконструкция қилиш, тарқоқ ҳолдаги боғ, токзорларни катта массивларга бирлаштириш, парваришни механизациялаш, токларни яхши кўтаришга алоҳида эътибор бериш керак. Фарғона водийси, Тошкент, Самарқанд ва Сирхондарё областларининг тоғли зоналарида боғ ва токзорлар ташкил қилиш учун катта имкониятлар мавжуд. Тоғли зоналарда боғдорчилик ва токзорчиликни ривожлантириш мева ва узум етиштиришни кўпайтиришдан ташқари, ердан тўғри фойдаланиш ва хўжаликларнинг экономикасини кескин мустаҳкамлаш имконини ҳам беради.

Республикада тошлоқ ерлар катта майдонни ташкил қилади. Мирзачўл, Марказий Фарғона, Хоразм ва Қорақалпоғистонда жуда кўп шўрхок массивлар, турли областларда кенг майдонли ўрмон хўжаликлари бор. Ана шу ерларда боғ ва токзорлар ташкил қилиб, мева ҳамда узумни янада сероб этиш мумкин. Янги боғ ва токзорлар ташкил қилганда фақат серҳосил, шўрга чидамли, меваси ва узумининг сифати яхши навлар кўчатини экиш керак.

Боғ ва токзорларда зараркунандалар ва касалликларга қарши муттасил кураш олиб бориш, профилактика тадбирларини вақтида ва сифатли ўтказиш муҳим аҳамиятга эга. Шундай қилинганда мевали дарахт ва токлар нобуд бўлмайди, ҳосил баракали ва сифатли бўлади.

Боғ ва токзорларни кенгайтириш, мева ва узум етиштиришни кўпайтиришда тажрибали соҳибкорлар ҳал қилувчи роль ўйнайди. Шунга қарамай, айрим хўжаликларнинг раҳбарлари бу муҳим масалага етарли эътибор бермай келмоқдалар. Иш бошига энг тажрибали, ўз касбини севган кишиларни қўйиш ва улар ҳақида муттасил ғамхўрлик қилиб туриш, самарали ишлашлари учун қулай шароит яратиб бериш зарур.

Янги ташкил этилган боғ ва токзорлардаги ниҳолларнинг яхши ўсиб, тез ҳосилга кириши ва мўл ҳосил бериши, кўп жиҳатдан экиладиган кўчатнинг сифатига боғлиқ. Шунинг учун ҳам давлат кўчатзорчилик совхозлари юқори сифатли кўчат етиштиришга жиддий эътибор беришлари лозим. Академик Шредер номидаги боғдорчилик, токзорчилик ва виночилик илмий-текшириш институти ва унинг областлардаги филиалларида, кўчатзорчилик совхозларида ҳар йили миллионлаб мевали дарахт ва ток кўчатлари етиштириляпти. Улар бу йил ҳам колхоз ва совхозларга жуда кўп кўчат етказиб берадилар.

Мева ва ток кўчатларини барвақт ўтқазиш, ҳар йили баҳорда ўтқазиладиган кўчат ўтқазиш ойлигини муваффақиятли якунлаш боғдорчилик ва токзорчиликни ривожлантиришнинг ҳал қилувчи омилларидан биридир. Ҳозир республикамизнинг шаҳар ва қишлоқларида кўчат ўтқазиш ойлиги давом этяпти. Ҳар бир кун ва соат ғанимат. Кўчатни эрта, сифатли ўтқазиш жуда яхши самара беради. Лекин жуда кўп жойларда кўчат экиш кечиктирилмоқда. Айниқса Тошкент, Самарқанд, Сирдарё областларида бу муҳим иш эътибордан четда қоляпти. Ана шу областларда ҳозиргача жуда кам кўчат ўтқазилди.

Колхоз ва совхозларда ҳадемай дала ишлари қизғин бошлаб юборилади. Асосий эътибор ерни тайёрлаш ва чигитни барча майдонга тез ҳамда сифатли экиб олишга қаратилади. Шу сабабли ҳозирги қулай шароитдан самарали фойдаланиб, ҳар бир колхоз ва совхозда янги боғ ҳамда токзорлар ташкил қилишни тезлаштирайлик. Кўчат ўтқазиш ойлигини ҳамма ерда яхши кўрсаткичлар билан якунлайлик.

М. ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Республикада хизмат кўрсатган агроном.
У. МУСАЕВ.

КЎЧАТ ЎТҚАЗИШ ҚИЗҒИН

БУХОРО. Вобкент районидаги Карл Маркс номли колхозда ненса боғбон Ғулом ота Мухторов бошчилигида кўчат ўтқазиш бригадаси ишлаб этилди. Бозор Ахмедов, Тошпўлат Тоҳиров, Шариф Ярашев каби кўрнамли ихлосмандларининг қўли билан 7.000 туп ҳар хил кўчат ўтқазилди.

З. ШАМСИЕВ,
И. ҲОЖИЕВ.

ХОРАЗМ. Урганчдаги давлат тут кўчатзорида иш авжида. Соҳибкор ишчилар бу йил 4 миллион 800 минг тупдан зиёдроқ тут кўчати етиштиришга аҳд қилишган. Шу кунгача область хўжаликларига 200 минг туп кўчат жўнатилди.

А. ЭШМАТОВ.

СУРХОНДАРЁ. Шеробод районидаги Ленин номли колхозда йўл ёқалари, ариқ бўйларига 7.500 туп тут ниҳоли экилди. Колхозда кўчат ўтқазиш ҳаракатчонгидан ҳам қизитиб юборилди. Бу ишда Т. Бозоров, О. Сатторов, М. Тиловов каби колхозчилар алоҳида ўрнак кўрсатишяпти.

Е. ШОЙНАЗАРОВ.

ФАРҒОНА. Олтиариқ районидаги «Ўзбекистон» ва Максим Горький номли колхозларда тутчиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу иккала колхозда қисқа вақт ичида қарийб 40 минг туп тут кўчати ўтқазилди. Тутзорлар парвариши эса намунали уюштирилди.

Шунингдек, «Ленинизм» колхози аъзолари ҳам 20 минг туп тут кўчати экиб қўйдилар.

Ю. ЭМИНОВ.
Ғ. РУЗИБОЕВ.

— Шаҳар четида бир чордеворда турган. Энди ундан медицина ходимлари кўз-қулоқ бўлиб туриши керак.

— Алёатта, — деди Кушнер бошини чайқаб. — Хунук иш бўпти. Ўйлаб кўришимиз лозим, Семен Порфенович.

Гукан олдига катта календарни сурди-да, қаламини унга нуқиб сўради:

— Фамилияси нима?

— Савич, Софья Савич, — деди Шикович шошилиб ва раисга рўй-рост тикилди.

Гуканнинг қўлидаги қалам қалтираб кетди. Олқиндидек юзи буришди-ю, бирпасда салкиб, даб-лунжи сўлжайиб қолди. Гукан анчайин вақт ердан бошини кўтармади. Кейин ўзини тутиб олди, аччиқ заҳархандадан лаблари буришди:

— Анави Савичнинг қизими?

— Ҳа, ўшанинг қизи, — деди Кирилл зарда билан.

— У бизнинг шаҳарда турарканми? — Гуканнинг овози дағал чиқди.

— Тўрт йилдан бери шу ерда яшаб, ишлаяпти.

Гукан ўрнидан турди-да, қоматини ростлади, қўлини шимининг чуқур чўнтагига тиқиб, расмий равишда гап қотди:

— Начора... Кўрамиз. Навбатга қўямиз.

— Бюрократлик қилма! — деди Шикович қатъий қилиб.

Гукан унинг гапини қўнглига оғир олмади, лекин гап оҳанги унга қаттиқ ботди: мен билан бундай гаплашишга унинг қандай ҳадди сиғади, деб ўйлади у.

— Ўн кунлардан кейин Савични касалхонадан чиқарамиз, — деди Ярош хотиржамлик билан ва ўзингни тут дегандек дўстининг оёғини босди.

— Ўн кунда буни тўғрилашнинг ҳеч иложи йўқ, Антон Кузьмич, — Гукан энди фақат хирургга мурожаат қиларди. — Нима деяпсиз! Тағин алоҳида-я... Бир кишилик квартиранинг ўзи йўқ. Давлат иормасига амал қилишимиз керак.

— Ундай бўлса, у ўз уйига кўчиб киради. Мол-мулкини мусодара қилиш тўғрисида суд ҳукми йўқ. Уй унинг, — деди Шикович, бу сафар Гуканга эмас, Ярошга тикилганича.

— Яслига-я, — раис бир лаҳза ҳанг-манг бўлиб қолди, кейин қўлларини худди турнанинг қанотидек силкитиб, қичқириб юборди: — Жуда соз! Ажойиб фикр! — Кушнерга қараб, шундай деди. — Эшитдингми? Болаларни кўчага улоқтирамиз! Юзларча болани! Сўнгра илгаригисидан ҳеч бало қолмаган, сен билан мен тамомила бошқатдан қурган уйни топширамиз. Тағин кимнинг қизига денг?

— Савичнинг гуноҳи исбот қилинмаган, — деди Шикович жаҳл билан унинг гапини бўлиб.

Гукан столни айланиб ўтди-да, Шиковичнинг рўпарасига келиб тўхтади:

— Йўқ, ўртоқ Шикович, исбот этилган! Органлар томонидан бутунлай исбот қилинган! Қандайдир табиб хотинни топиб, унинг алмойи-алжойи гапларини эшитиб келиб, подпольe тарихида бурилиш ясадим деб хомтама бўлманг. Сиз жуда содда экансиз, Шикович. Мақолангизни қандай мақсадда ёзганингизга энди тушундим. Ана ўша хоним пайдо бўлиши билан оқ...

— У хонимга тил теккизма, — деди Кирилл. У: «Ахир уни Сибирга ҳайдаган сен эмасми?!» демоқчи бўлган эди, лекин Ярош унинг оёғини босиб қўйди.

Ҳозир энг муҳими — квартира олиш эди. Ярош ҳар қандай йўл билан бўлса-да, Софья учун квартира олишга ўзига-ўзи сўз берган, Гукан билан гижиллашиш унинг хаёлига ҳам келмаган эди.

— У ўз уйининг даъвосини қилаётгани йўқ, — деди Ярош. — Шундай уйни нима қилади!

— Мана бу коммунист, редакция ходими эса даъво қиляпти. — Гукан шундай деб Шиковичнинг олдидан узоқлашди-да, ёрдамчисига юзланди. — Ўз мақсади йўлида болаларни кўчага улоқтиришга ҳам тайёр... Ҳеч кимни раъйи-андиша қилмайди... Ўзининкини маъқулласа бўлгани...

«Оббо итвачча-ей, ўтакетган демагог-а! Сиринги фош қилсам-чи, — деб ўйлади Шикович. Лекин Ярошнинг ўқрайиб турганини кўриб индамади.

— Хўш, нима сабабдан биз у аёлга квартира беролмаймиз? — деб сўраб қолди Кушнер. Буни Гукан сира кутмаган эди. Кушнер гап нима устида кетаётганига ушлик тушунмаса-да, ҳалол, оддий, бир сўзли одам бўлганидан ҳақиқат Ярош билан Шикович томонида эканлигини, бетоб аёлнинг квартира олишга ҳуқуқи борлигини фаҳмлади.

— Квартира бериш сенинг қўлингдан келадими? — қизиқиб сўради Гукан пичинг қилиб.

— Қўлимдан келади, — деди Кушнер сидқидилдан кулиб. — Роппа-роса бир ҳафтадан кейин дарёчилар Элеваторнаядаги уйни топширишмоқчи. Хат ёзиб юборамиз, йўқ дейишмайди. Кейин ҳиссасини чиқарамиз. Шундай вақтда йўқ деб бўладими?!

— Биласанми, мен бундай найранг ишлатолмайман. Партия ва жамоат контроли бор.

— Найранг нима қилади бу ерда? Масалани Исполкомга қўямиз. Бу тўғрида ахборот беришни ўртоқ Ярошдан илтимос қиламиз. Бу орада мен дарёчилар билан келишиб оламан. Улар яхши йигитлар, тушунишади.

Кушнерининг босиқ, мулоҳазали гаплари ҳаммани ҳовуридан туширди. Ҳатто Гукан ҳам хотиржам бўлди. Лекин шу пайт Кушнер паришонлик билан очиқ турган деразадан бошини чиқарди-да, каштаннинг яшил баргини юлиб олди. Шундагина Гукан чийиллаб, қичқирди:

— Каштанни юлма! Бутун дарахтни чўлтоқ қилдинг-ку!

Мирзиёд МИРЗОИДОВ таржимаси.

3 СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
14 МАРТ, 1965 ЙИЛ
№ 61 (13.017).

СССР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИДА

СССР Ташқи ишлар министрлиги 12 мартда Хитой Халқ Республикасининг Москвадаги элчихонасига қуйидаги мазмунда нота юборди.

«Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Ташқи ишлар министрлиги Хитой Халқ Республикасининг элчихонасига қуйидагиларни баён қилишни зарур деб ҳисоблайди.

Кейинги кунларда Хитойда шовинсурон билан пропаганда кампанияси авж олдириб юборилди. Бу кампания давомида чет эл студентларининг шу йил 4 мартда АҚШнинг Москвадаги элчихонаси олдида ўтказилган намойишига таллуқли фактлар бузиб кўрсатилади. Аҳвол шу даражагача бориб етдики, 6 мартда СССРнинг Пекиндаги элчихонаси биноси олдида «намойиш» уюштирилди. Бу «намойиш» социалистик мамлакатлар ўртасидаги муносабатларда мисли кўрилмаган ҳунук воқеадир. Хитой Халқ Республикасининг Москвадаги элчихонаси СССР Ташқи ишлар министрлигига бошдан-оёк уйдирмалардан иборат нота топширди.

Маълумки, Совет ҳукумати Вьетнам Демократик Республикаси ҳукумати билан ўзаро келишувга мувофиқ, Вьетнам Демократик Республикасининг хавфсизлигини муҳофаза қилиш ва унинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш мақсадида ёрдам кўрсатиш учун амалий чоралар кўрмоқда. Совет Иттифоқи ҳукумати ва халқи АҚШнинг Вьетнамдаги агрессиясини ва Америка авиациясининг Вьетнам Демократик Республикаси территориясини ваҳшиёна бомбардимон қилаётганлигини қатъиян қораламоқдалар. Совет кишилари Америка ҳарбийларининг агрессив ҳаракатларидан қаттиқ ғазабланганликларини ва қаҳрамон Вьетнам халқи билан қардошларча бирдам эканликлари тўғрисидаги туйғуларини мамлакатнинг ҳамма қисмида ўтказилаётган жуда кўп норозилик намойишлари, йиғилишлари ва митингларида изҳор қилмоқдалар. Совет ҳукуматининг баёнотлари, Советлар мамлакати меҳнаткашларининг сиёсий намойишлари АҚШнинг Вьетнамдаги жиноий сиёсатини бутун жаҳонга фош қилади, жамоатчиликни Америка агрессиясига қарши курашга сафарбар қилади.

Чет эл студентларининг 4 мартда ўтказилган намойиши қатнашчилари Американинг Вьетнам халқига нисбатан агрессиясидан дарғазаб бўлганликларини билдирдиларки, уларнинг ана шу туйғулари совет халқига яқин ва тушунарлидир.

Аммо, агрессияга чек қўйиш йўлида кўриладиган қатъий амалий тадбирлар, Америка империализмининг ёвузликларига қарши сиёсий чиқишлар ва сиёсий характердаги намойишлар бошқа-ю чет эл элчихонасига ва жамоат тартибини сақлаш иши топширилган мансабдор совет кишиларига нисбатан иғвогарлик ҳаракатлари ва бебошлик қилиш бутунлай бошқа. Халқаро ҳуқуқ нормалари борлигини Хитой томони, шубҳасиз, яхши билади. Ана шу халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ, чет эл дипломатик вакилларини қабул қилган давлатлар уларнинг дахлсизлиги ва хавфсизлигини таъминлаш учун жавобгардирлар.

Кези келганда шуни айтиш керакки, Хитой Халқ Республикаси ташкил топганидан буён ўтган йиллар мобайнида Пекинда Хитой маъмурлари империалистик давлатларнинг ваколатхоналарига қарши қилинадиган ва ана шу ваколатхоналар алғов-далғов қилиниб, уларга моддий зарар ва бошқа хилдаги зарар етказиладиган намойишларга йўл қўймаган эдилар.

Ваҳолонки, 4 мартдаги намойиш вақтида Хитой гражданларининг қилган ишлари чет эл элчихонасига қарши, шунингдек Совет ҳокимият органларининг вакилларига қарши қаратилган зўравонлик ҳаракатларини иғвогарлик мақсадида уюштириш учун олиндан тайёрланган уринишдан бошқа бир нарса эмас.

Ўз зиммаларига чет эл элчихонасини муҳофаза қилиш иши топширилган Совет милицияси ходимлари одоб доирасида ҳаракат қилиб, сиёсий намойиш доирасидан четга чиқиб кетмасликка ва зўравонлик қилмасликка даъват этдилар. Аммо, намойишда қатнашган Хитой гражданлари Совет милициясига очиқдан-очиқ ҳужум қилиш йўлига ўтдилар. Улар милиционерларга мушт урдилар, жуда ҳақоратли гапларни айтиб қичқирдилар, совет қонунларига мувофиқ жиноий тартибда жазоланадиган бошқа ҳаракатларни қилдилар. Иғвогар унсурлар олдиндан тайёрлаб қўйилган ва ўзлари билан бирга олиб келган таёқларни, темир ғўлаларни, тошларни, пичоқларни қуролсиз милиционерларга қарши ишга солдилар.

Жамоат тартибини муҳофаза қилган ва ҳамма томонидан танилган халқаро нормалар ва Совет қонунларига мувофиқ, чет эл элчихонасининг хавфсизлигини таъминлаб турган ўттиздан ортиқ милиция ходимлари ва ҳарбий хизматчилар жиддий жароҳатландилар, шу билан бирга, улардан тўрт киши оғир ярадор бўлди.

Хитой Халқ Республикасининг Москвадаги элчихонаси «намойиш бостирилганлиги» тўғрисидаги бўлмағур гапларини рост гаплар қилиб кўрсатиш учун намойишдан кейин Боткин касалхонасида яна бир хуруж уюштирди. Элчихона томонидан уюштирилган Хитой гражданларининг бир группаси ана шу касалхонага келди. Улар ўзларини касалхонага ётқизишларини ёки гўё қаттиқ жароҳатланганликлари тўғрисида справка беришларини ҳеч асос бўлмагани ҳолда талаб қилдилар. Совет врачлари медицина жиҳатидан синчиклаб текшириб кўрганларидан кейин бу шахсларнинг стационар даволашга муҳтож эмасликларини аниқладилар. Лекин Хитой гражданлари касалхонада жанжал кўтардилар ва врачларни ҳамда медицина ходимларини қаттиқ қоқардат қилдилар.

Хитой гражданларининг Москвада қилган ана шу ҳаракатлари (Хитой маъмурлари ўз юртларида бундай ҳаракатларга ҳеч қачон йўл қўймаган бўлур эдилар) борасида энди Хитойда туҳмат кампанияси кенг авж олдириб юборилди. Хитой томонининг бундай ҳаракатлари социалистик давлатларга душман бўлган ва мамлакатларимиз ўртасига нифоқ солишга умид боғлаётган кучларнигина қувонтириши мумкин.

Кейинги кунларда Хитойда СССРга нисбатан жўртларга авж олдирилаётган иғвогарлик кампаниясини бу кампаниянинг ташкилотчилари виждонига ҳавола қиламиз. Совет томони умумий ишимизнинг манфаатларини ҳар нарсадан юқори қўйиш, Совет—Хитой муносабатларини ривожлантириш ва яхшилашга доим интилаётганлиги учун бундай йўлга ўтиш ниятида эмас.

СССР Ташқи ишлар министрлиги Хитой Халқ Республикаси элчихонасининг нотасида билдирилган норозиликни тамомила асоссиз деб ҳисоблаб, қатъиян рад этади. СССР Ташқи ишлар министрлиги шуни кўрсатиб ўтишни зарур деб ҳисоблайдики, элчихона ўз нотасида Совет Иттифоқига қарши йўл қўйиб бўлмайдиган хуружларни қилади ва, ҳатто империализмга қарши қандай курашиш кераклигини ўргатмоқчи ҳам бўлади. Биз бу тўғрида бировларнинг насиҳатини қабул қилиш ниятида эмасмиз. Совет Иттифоқи барча социалистик мамлакатларнинг умумий манфаатларини, бутун дунё халқларининг манфаатларини кўзлаб, сўзда эмас балки амалда ана шу курашни ҳамиша изчилик билан олиб борди ва олиб бормоқда.

СССР Ташқи ишлар министрлиги СССРдаги Хитой гражданларининг шу йил 4 мартда чет эл студентлари намойиши вақтида қилган ҳаракатларни каби ҳаракатларни такрорлашларига сира имконият бермайдиган ва уларнинг ўзларига меҳмондўстлик кўрсатган мамлакатда муносиб хатти-ҳаракатда бўлишларини таъминлайдиган чоралар кўришни Хитой Халқ Республикасининг элчихонасидан талаб қилади. СССРда яшаётган кишиларнинг ҳаммаси, шу жумладан Хитой гражданлари ҳам Совет қонунларини ҳурмат қилишга ва бу қонунларга қаттиқ риоя қилишга мажбурдирлар. Совет ҳокимият органлари СССРда белгиланган қонун ва тартибларга қаттиқ риоя қилишни совет кишиларидан қандай талаб қилсалар, чет эл гражданларидан ҳам буни доим талаб қила берадилар.

СССР Ташқи ишлар министрлиги огоҳлантириб айтадики, жамоат тартибининг ҳар қандай тарзда бузилиши ва бебошлик чет эл гражданларининг қайси бирлари томонидан содир бўлишидан қатъи назар, қаттиқ зарбага учрайди, шу хилдаги ҳаракатларда айбдор бўлган кишилар эса Совет қонунларига мувофиқ, суд томонидан қаттиқ жавобгарликка тортилади».

Радио

14 МАРТДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

7.40 — Ота-оналар учун, 8.25 — Концерт, 9.25 — Маршлар, 10.30 — СССР халқлари қуйлари, 11.10 — Янги фильмлар (рус.), 11.25 — Концерт, 12.15 — Эрталабки салом (Москва), 13.30 — Эстрада концерти (рус.), 15.20 — Рафур Ғуломнинг «Ёдгор» повести асосида радиопостановка, 18.00 — «Крылья Советов» — «Пахтакор» (Тошкент) командалари ўртасида футбол, 18.45 — Ҳазил қўшиқлар, 19.20 — Концерт, 20.00 — «Ёшлик» радиостанцияси, 21.15 — Катта байрам концерти, 22.00 — Дунё хариталари олдида, 22.10 — Катта байрам концертининг давоми, 23.10 — Дам олиш кечаси.

Телевидение

14 МАРТДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 10.00 — **Сайлов участкасидан репортаж**, 10.20 — **Концерт** (мактаб ўқувчилари учун), 11.00 — **Халқ номзодлари**, 11.40 — **Уч пингвин** (болалар учун мультфильм), 11.50 — **Қўшиқ, рақс ва куйлар**, 12.30 — **Инглиз тили** (болалар учун), 12.50 — **Совет спорти** (киножурнал), 13.00 — Салом, **«Баҳор»** (ҳужжатли фильм).

Ўзбек тилида: 14.00 — **«Колумб» кема юнгаси** (бадиий фильм).

Рус тилида: 17.00 — **Хушчақчақ қичқинтойлар клуби** (қўғирчоқ фильм), 17.30 — **Телевизион янгиликлар**, 17.45 — **Куз куйлари** (илмий-оммабоп фильм), 17.55 — **Людмила Зикина** куйлайди.

Ўзбек тилида: 18.15 — **Телевизион янгиликлар**, 18.30 — **Студентлар учун** («Ёшлик» студияси).

Рус тилида: 19.30 — **Қисқа воқеалар**, 20.05 — **Янги йил «Голубой огонёги»** (сайловчилар талабига мувофиқ).

Ўзбек тилида: 21.50 — **Оталар, оналар, бувилар** (ота-оналар учун), 22.00 — **Сайловчилар учун концерт.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан — **Фрунзе телестудияси эшиттиришлари.**

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 14/III да кундуз **Этик кийган Мушук**, кечқурун **Оққуш нўли**, 16/III да **Майсаранинг иши.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 14/III да кечқурун **Биринчи муҳаббат**, 16/III да **Қонли сароб.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 14/III да кундуз **Ўғил уйлантириш**, кечқурун **Ишқинг билан**, 15/III да **Тошболта ошиқ.**

Кино

Хонейчилар — «ЁШ ГВАРДИЯ», «МОСКВА», «ВОСТОК», «ДРУЖБА» (1-залда), «ЧАЙКА» (кундуз ва кеч қурун), «СПУТНИК» (жуфт соатларда), СОБИР РАҲИМОВ номли (эрталаб соат 11, кундуз 3, кеч 6-45 минут ва 10 да).

Аҳмад қани? — «СПУТНИК» (тоқ соатларда), НАВОИЙ номли (кундуз соат 3 ва кеч 6 яримда), «ИСКРА» (кундуз 4-20 минутгача, кеч 9-10 минут ва 10 да).

Кутилмаган севги — «ЎЗБЕКИСТОН», «ДРУЖБА» (2-залда), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10, кундуз 12, 6 ва 9-45 минутда).

Майя Плисецкая — «ВОСТОК» (кичик залда кундуз ва кечқурун), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 2, 4 ва кеч 8 да).

Ҳукумат аъзоси — «МИР» (кеч соат 6 гача).

Чол ибн Хаттоб — «ЧАЙКА» (эрталаб соат 10 да).

Чўчқа боқувчи қиз ва чўпон — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 3 ва кеч 10-40 минутда).

«ЧИЛОНЗОР» САВДО МАРКАЗИ

16 мартдан 30 мартгача

ХОТИН-ҚИЗЛАР ПОЙАФЗАЛИ

СОТИШ-ВИСТАВКАСИНИ

ўтказади.

1965 йил 25 март кундуз соат 2 да, В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети ҳузуридаги биология фанлари юзасидан илмий даражалар бериш бўйича бирлашган илмий совет мажлисида (Карл Маркс кўчаси, 32-уй, 133-аудитория) қуйидагилар биология фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун

диссертация ёқлайдилар

О. Комилов: «Мирзачўл жанубидаги тупроқ шўрининг келиб чиқиши (Зомин конуси мисолида)» деган темада.

Г. Ш. Самигов: «Бузоқларда (уларнинг ёшига қараб) турли хил озиқлантириш муносабати билан ўтнинг ажралиш хусусияти» деган темада.

Диссертациялар билан университет кутубхонасида танишиш мумкин (Куйбишев кўчаси, 10-уй).

ПАҲЛАВОНЛАР УЧРАШУВИ

Ҳар йили март ойида дунёнинг энг кучли оғир атлетикачилари Совет Иттифоқи пойтахтига ҳалқаро мусобақаларга таклиф этилади. «Москва мукофоти» учун мусобақа биринчи марта 1958 йилнинг баҳорида ўтказилиб, унда етти мамлакат атлетикачилари қатнашган эди. 1963 йили В. И. Ленин номли марказий стадион Спорт саройида ўн тўрт мамлакат вакиллари куч синашди.

Паҳлавонларнинг Москва турнири — спорт маҳоратини ўрганиш мактабидир. Бу ерда катта спортга дастлабки қадам қўйган, жангчиларга хос мустаҳкам ирода, тажрибали орттирган, бугунги машҳур венгер штангачилари Имре Фельди, Гёзе Тот, Арпад Немешаньи ва Роберт Надь, поляклар — Иренуш Палинский, Вольдемар Бажановский ва Мариан Зелинский, ғоя штангачилари ака-ука Иоуни ва Яаяко Кайлаарви, румин Балаш Фиця ва бошқаларни кўриш мумкин.

Бу мусобақалар ёш совет спортчилари учун ҳам катта маҳорат мактаби бўлиб қолди. Москвада Рим Олимпиадаси чемпиони Александр Куринов, Токио қаҳрамонлари Леонид Жаботинский ва Рудольф Плюкфельдерлар ҳалқаро учрашув тажрибаларини ўрганишди. «Москва мукофоти»ни қўлга киритганлар орасида Юрий Власов, Алексей Вахонин, Евгений Минаев, Сергей Лопатин, Владимир Беляевлар ҳам бор.

Машҳур Америка штангачиси Томми Коно икки марта — 1958 ва 1961 йилларда фахрий кубок билан тақдирланган. Москва турнирида американликлар Джим Брэдфорд ва Исаак Бергер, поляк Бажановский ва Палинский, хитой атлетикачилари Чен Цзин-Кай ва Хуан Цзян-Хойлар ҳам қолиб чиққанлар.

Бу йилги мусобақага 20 дан ортиқ мамлакат — Австрия, Жазоир, Англия, Болгария, Венгрия, Монако, ГДР, Эрон, Куба, Польша, АҚШ, Финляндия, ГФР, ЧССР, Швеция, БАР, Бирма, Франция, Покистон, Монголия ва Швейцария атлетикачиларининг қатнашиши мўлжалланган.

«Москва мукофоти» мусобақаларида СССР штангачиларининг катта группаси иштирок этади.

Енгил вазнда олимпия чемпиони Вахонин билан бирга Лев Андрианов ҳам қатнашади. Ярим енгил вазнли категорияда бизда, ҳозирча поляк Новак ва венгер Фельди устидан ғалаба қозона оладиган пешқадамлар йўқ. Бу ўринда СССР терма командаси тренерлари ёшларни синаб кўришни лозим топишди.

Эски танишлар — Плюкфельдер, Коно ва венгер Дьёзе Вереш ўрта вазнли категорияда учрашадилар. Лекин ғалаба учун уларга жон-жаҳди билан қаршилик кўрсатадиган қобилиятли ёш рақиблар ҳам пайдо бўлди. Ярим оғир вазнда олимпия чемпиони Владимир Голованов танҳо ҳисобланади. Шунга қарамай, у енгил ғалабага умид боғлай олмайди. Чунки: биринчидан, ҳамшаҳарлари ичида рақиблари кўп бўлса, иккинчидан, олимпиадада енгилган поляк Палинский ва англиялик Луис Мартин ундан «ўч» олишга ҳаракат қилади.

Мусобақаларни оғир вазнли спортчилар якунлашади. Жаботинский тўртинчи марта «Москва мукофоти»ни олишга умид боғлаяпти. Власовни мустаҳкам қилганда практик жиҳатдан унга хавфли рақиб йўқ деса бўлади. Балки, ёшлик ғайрати жўш уриб, қиррқа чиққан Норберт Шеманский қаршилик кўрсатиб қолиши мумкин. Лекин, Жаботинскийни луғат паҳлавони Леонид Андреев кўпроқ ташвишга солса керак. Ўтган йилнинг декабрида у жимда 190 килограммни кўтариб, Жаботинскийдан Украина рекордини тортиб олган эди. Ҳозир у ўз олдига фантастик масала қўйган, яъни 200 килограммни кўтариб, Власовга тенгишли дунё рекордини янгилашни мўлжаллаб юрибди.

«Москва мукофоти» мусобақаси Спорт саройида 16 мартдан 19 мартгача давом этади. Мусобақанинг шартига кўра, ҳар бир мамлакат бир хил вазнли категорияга бир неча вакилларини киритиши мумкин. Лекин улардан энг кучлисининг натижаси ҳисобга олинади. Турнирнинг бош арбитри қилиб хизмат кўрсатган спорт мастери Николай Шатов (СССР) тайинланди. Мусобақаларнинг боришини жюри аъзолари — халқаро оғир атлетика федерациясининг президенти Кларенс Джонсон (АҚШ), ФИКХ вице-президенти Константин Назаров (СССР), СССР оғир атлетика федерациясининг раиси Николай Скворцовлар кузатиб турадилар.

Мусобақалар халқаро қонунқоида асосида ўтказилади.

Дмитрий ИВАНОВ,
хизмат кўрсатган спорт мастери, АПНнинг спорт обзорчиси.



Расмда кўриб турганингиз — Тошкент ГРЭСининг бугунги қадди қомати. Қурувчи ва монтажчилар станциянинг учинчи блокидаги ишларни ҳам жадаллаштириб юбордилар.

Й. Исмоилов чизган расм.

30 ТИЙИНГА «МОСКВИЧ»

Абдулла ака ҳар гал лотерея билетларини сотиб олар экан, дўстларига «Москвич» машинасидан бошқа ютуқ чиқса олмайман» деб, хазиллашиб қўярди.

Яхши ният — ярим мол дегандек, яқинда ўйналган пулбуюм лотереясида у ниятига етди. Термиз районидаги Калинин номли колхоз партия ташкилотининг секретари Абдулла Султонов 01430 серия ва 228 номерли билетга «Москвич» автомашинаси ютди.

Ю. ШЕРНАЗАРОВ.

Бундай ютуққа эришганлар орасида Поп район Свердлов номли қишлоқ советидаги 32-мактаб ўқитувчиси Ботирали Мардонов ҳам бор. Унинг 30 тийинлик билетига «Москвич» енгил автомашина чиқди.

Э. ШЕРАЛИЕВ.

ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАДИ

БЕШ ҚЎЗИ

Яқинда Қарши районида янги ташкил этилган «Аврора» бордорчилик совхозининг 2-бўлим ишчиси Ражаб Ҳакимовнинг қўйи бир йўла беш қўзи туғди. Бу камдан-кам учрайдиган ҳодисадир. Қўзичоқларнинг ҳаммаси соғлом туғилди.

Б. МАҲМУДОВ,
Қашқадарё области.

ПЛАНЕТАМИЗДА

ЯНА ҚАРОҚЧИЛАРЧА ҲУЖУМ ҚИЛИНДИ

ХАНОЙ. Америка ва Жанубий Вьетнамнинг 12 самолёти 11 мартда Американинг Да-Нанг ҳарбий-ҳаво базасидан парвоз қилиб, Вьетнам билан Лаос чегараси яқинидаги Куанг Бинь вилоятининг ғарбий қисмидаги (Шимолий Вьетнам) аҳоли яшайдиган пунктни ўққа тутди. Вьетнам халқ армияси олий қўмондонлиги қузатувчи ва контроль қилувчи халқаро комиссия номига юборган норозилигида ана шу ҳужумни Вьетнам Демократик Республикасининг суверенитети ва территориал бутунлигига қилинган жиддий қасд деб ва 1954 йилги Женева битимларини бузиш, деб атади.

Аҳоли яшайдиган пунктнинг ўққа тутилиши, дейилади норозилик хатида, Америка империализми ва унинг агентлари уруш доирасини кенгайтириш йўлидан бораётганликларини ва бу билан Вьетнам, Ҳинди-Хитойда ва Шарқи-Жанубий Осиёда тинчлик ишини жиддий хавф остида қолдираётганликларини исбот этувчи янги бир далилдир.

СИНФИЙ ЖАНГЛАР

ИТАЛИЯ

Италиядаги пластмасса ишлаб чиқариш саноати ходимларидан 40 минг киши 10 мартда 24 соатлик забастовка ўтказди. Меҳнаткашлар янги коллектив шартнома тузилишини талаб қилмоқдалар.

АНГЛИЯ

Манчестер яқинидаги Брадфорд шахтаси кончиларидан 900 га яқин киши иш ҳақининг оширилишини талаб қилиб, ишни тўхтатди.

Ноттингем яқинидаги электростанция қурилишида ишлаётган монтажчилар ҳаёт учун хавфли бўлган меҳнат шароитига қарши норозилик билдириб забастовка эълон қилдилар.

Антондаги (Лондон) «Бритиш лайт стил прессинг» заводининг ишчилари ўз курашларини давом эттирмоқдалар. Улар фирманинг ишчиларини ишдан бўшатиш кўзда тутилганига қарши норозилик билдириб, шу ҳафтада забастовка бошлаган эдилар.

Бирмингемдаги «Остин мотор» фирмаси автомобиль заводи ремонтчиларидан 300 киши ўн кунлик забастовкани тамомлади. Улар иш ҳақининг оширилишини талаб қилдилар. Корхона эгаларининг ремонтчилар талабини қондиришдан қатъий бош тортганлиги натижасида автомобиль саноатига қарашли 11 корхонада забастовка бошланди. Бу корхоналарда 30 мингдан кўпроқ ишчи ишга чиқмади. «Остин мотор» фирмаси етказиб бераётган маҳсулотга боғлиқ бўлган «Бритиш мотор корпорейшн» компанияси 6 миллион фунт стерлинга яқин зарар кўрди.

Корхона маъмурияти иш ҳақи ставкаларини яқин вақт ичида қайта кўриб чиқишга розилик билдирганидан кейнингина иш ташловчилар ўз ишларига қайтишга қарор бердилар.

Пейслидаги (Шотландия) автомобилсозлардан 700 киши 327 ишчининг ишдан бўшатилганлигига қарши норозилик билдириб 5 мартда эълон қилган забастовкани давом эттиришга қарор беришди. Улар ишдан бўшатилган ўз ўртоқлари қайтиб ишга олинмагунча ишга киришмаяжакларини айтдилар. Забастовка натижасида 3 мингдан кўпроқ киши бекор турибди.

ДАНИЯ

Ғарбий Ютландияда автобус ҳайдовчиларидан 400 дан кўпроқ киши 8 мартда бошлаган забастовкага ҳозир мамлакатдаги энг йирик шаҳарлар — Орхус, Ольборг, Ландерс, Эсбьерг, Сильнеборг ва бошқа шаҳарлардаги автобус ҳайдовчилари ҳам қўшилдилар.

Автобус ҳайдовчилардан ташқари, ҳозирги вақтда Струэр шаҳридаги радио заводи ишчиларидан 550 киши ва Ольборг шаҳридаги тамаки фабрикаси ишчиларидан 300 дан кўпроқ киши иш ташлади. Иш ташловчилар иш ҳақининг оширилишини талаб қилмоқдалар.

ЧЕТ ЭЛ ХРОНИКАСИ

● 1964 йилда Италия деҳқонларидан 400 мингга яқин киши шаҳарларда иш қидириб топиш умидида ўз қишлоқларидан чиқиб кетди. Уларнинг кўпчилиги ишсизлар қаторига келиб қўшилди, чунки иқтисодий жиҳатдан катта қийинчиликни бошдан кечираётган Италиянинг саноат корхоналари улар учун ёпиқдир.

● Англиян и н г «Альбион» авианоси Портсмутда қайта жиҳозланганидан кейин яна Узоқ Шарққа қараб йўл олди. Авианос белгиланган жойга етиб келганидан кейин, унда 1.000 га яқин десантчи бўлади.

● АҚШнинг 7-флоти Таиланд король флоти билан бирга Сиам кўрфазида катта маневрлар ўтказа бошлади. Бу маневрларда 39 ҳарбий кема ва Америка ҳамда Таиланд ҳарбий хизматчиларидан 10.000 дан кўпроқ киши қатнашмоқда. (ТАСС).

КАНАДАЛИКЛАР ДАРҒАЗАБ

ОТТАВА, 13 март. (ТАСС). Америка ирқчиларининг Селмадаги (Алабама штати) жиноятлари канадаликлар ни қаттиқ ғазаблантирди. Ирқчилар террорини қораловчи телеграмма ва хатлар Америка элчихонасига келиб турибди. АҚШнинг Торонтодаги бош консульхонаси биноси олдида норозилик намойишлари давом этмоқда. Бу намойишларда студентлар, ишчилар, турли жамоат ташкилотлари ва диний ташкилотларнинг вакиллари қатнашмоқдалар. Намойишчилар Селма негр халқига ўзларининг гражданлик ҳуқуқларини эркин ҳимоя қилишлари учун имконият берилмагунча норозилик билдиришни давом эттира берамиз, демоқдалар.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

„ҚИРҚ БИРИНЧИ"...

АХЛОҚ ТЕМАСИДА

Рўпарамизда ўтирган Сурайё Саидованинг ранглари сўлғин. Аслида у ҳаста ҳам эмас. Бу аёлнинг қиёфасида ҳаёт йўлдоши инженер-геолог Наримон Муҳамедовнинг чексиз ҳақоратларидан қаттиқ азобланган яққол сезилиб турибди. Муҳамедовнинг башарасини анс эттириш учун Сурайёга сўнгги ёзган хатини айнан кўчирайлик: «Сурайё, сенинг артистларга хос хулқинг ҳанида калламда кезиб юрган турли хил фикр-ўйлар бугун тўла-тўкис тасдиқланди. Сен артистдан бўлак ҳеч кимга ўхшамайсан. Мен сен билан ҳаёт кечира олмайман, чунки сен рентабелли, истиқболли, эффектли эмассан. Агар саноат тили билан айтганда сен безпромишленнаясан. Менинг бу фикрим ва қарорим узил-кесил, сен ўзингга бошқа йўл, бошқа дўст, бошқа бахт қидир, сенга муваффақият тилайман.

Қирқ биринчи».

Хатнинг мазмуни бизни ана шу маҳолани ёзишга мажбур қилди. Биз биргина шу хатни эмас, балки Наримоннинг жуда кўп хатларини ўқидик.

Наримонга қалбимизни завқ-шавққа тўлдирадиган санъат ходимларини ҳақорат остига олишга, айбсиз Сурайёни камситишга чим ҳуқуқ бердийкин? «Рентабелсиз», «безпромишленная», «нелажансиз» деган сўзлар билан бу олим йигит ёмма демоқчи? Айниқса, хатнинг охиридаги имзо ўрнига ёзилган «қирқ биринчи» деган сўз қандай маънони англатади? Бу саволларга жавоб тошқи анча қийин. Сурайёга ёзилган бу хатларни ўқиб, Наримонни совет мактабида ўқиганлигига, олий ўқув юртида тарбияланганлигига, қолаверса геолог-инженерлигига ишонгинг келмайди.

Наримон Сурайёни келажаги йўқ дейди. Ахир, у олий маълумотли педагог, ўн иллик мактабда рус тилидан дарс бераётган-ку! Маҳаллада хотин-қизлар советининг секретари, ўзи ишлаётган ва яшаётган жойда турли хил жамоат ишларини бажариб турибди. Узининг хулқ-атвори, жамоат ишларига жон нуйдириши билан ҳам катта обрў қозонган-ку!

Биз масалага чуқурроқ кириб борар эканмиз, Наримон Сурайёни пули учун, мулки учун хотинликка олганлигини сездик. Чунки у Сурайёга ўхшаган жуда кўп содда қизларни алдаган. Унинг имзо ўрнига қўйган «қирқ биринчи» деган ибораси ҳам шундан далолат бериб турибди.

Сурайёнинг ранги-рўйини саргайтирган аччиқ ва нордон сўзлар никоҳдан кейинги куниёқ бошланди. Ёсурайёни «танца билмайсан», деб қанча хўрламади бу олифта йигит. Унинг бу даккиси ўтмагач «юришинг қийшиқ» деб найранг кўрсатмоқчи бўлди.

— Беш ой бирга яшаб, бирон марта ширин сўз эштитмадим,— дейди кўз ёшларини тўкиб Сурайё.

Наримон Сурайёга уйланган кўннинг эртасигаёқ «бегона хотинларни уйига олиб келганлигини» айтиб мақтанганлигига нима дейсиз. Наримоннинг таъбирича маишат, ичкилик фақат геологларга хос эмиш. Мана бу хатни ўқинг: «Болани йўқ қилинг, оборт қилдиринг, мен ота бўлишни истамайман, геологлар ота деган сўзни билишмайди. Башарти, бола туғмоқчи бўлсангиз уйингизга, онангизнинга жўнай беринг».

Наримон Қарши шаҳрида ишлаб турганда Сурайё Тошкентга бориб келишни илтимос қилди. Шунда геолог Наримон бундай жавоб қилди:

— Тошкентга онангиз ўлганда борасиз, қиз эрга теккач эринг ихтиёрида бўлади. Ўлдираманми, қўяманми — менинг ишим.

Бу сўзларни яхшилаб айтиб олгач Наримон ресторанга кетди, Сурайё уйда қолди. Ресторандан қайтиб келиб, Сурайёни уйдан ҳайдаб чиқарди.

Наримоннинг бу қилиғи ҳам иш бермагач, яна бир ҳийла ишлатди. Қўшни ҳовлида ёри-дўстлари билан маишат қургач, уйига қайтиб келиб ҳомиладор Сурайёни қийнади. Сурайё ҳолдан кетиб йиқилди. Уч ойлик бола ўлик туғилди. Сурайё бир ярим ой ишга бора олмади. Наримон деярли ҳар куни турли сабаблар топиб жанжал чиқаришга ҳаракат қиларди. Бир куни «тирноғимни чала олдинг» деб роса калтаклади. Бундай кўнгилсиз воқеа ва руҳий эзилишлардан кейин Сурайё Тошкентга келди.

Наримондан хат олди. «Жарқўрғонга қайтиб кела кўрма, мабодо қайтиб келсанг сен кутилмаган «катта воқеаларга» дуч келасан. Мевасиз дарахтни никоҳимдан ташқари деб биламан». Шундан кейин Наримон Сурайёни телефонга чақириб «Мен сен билан турмуш қилишни истамайман, келма, келсанг ўзинг биласан, ўлдираман».

Сурайё тортган азоб-уқубатлар, Наримоннинг ноҳақ хатти-ҳаракатлари маҳаллага ҳам, таниш-билишларга ҳам маълум бўлди. Наримон суд органларининг эжримисиз Сурайёнинг мол-мулкини, кийим-кечакларини уйида олиб қолди, Сурайёнинг никоҳ қоғозини бермай, уч йилдан буён унинг бахтини ипсиз боғламоқда.

Сурайё Наримоннинг қилмишлари ҳақида бировга бир нарса демади. Сабр косаси тўлгач Республика Давлат ишлаб чиқариш геология комитетининг бошлиғи ўртоқ Х. Тўлаганов, партия ташкилотининг секретари Ҳамид Урмонов ўртоқларга арз қилди. Улар Наримон Муҳамедовнинг хулқ-атвори билан яхши танишиш ўрнига «ярашинглар» деб қўл қолдилар.

Наримон Жарқўрғон районига ишга юборилди. Сурайё бу ердаги экспедиция бошлиғи ўртоқ Мануевга мурожаат қилди. Мануев бошлиғидан ошиб тушди: «Эрингиз сиз билан яшашни хоҳламайди, шундай бўлгач биз нима қиламиз» деб осонгина жавоб қилди. Уч йил бўлди, Сурайё Саидова идорама-идора нажот қидириб юрибди, ҳамма жойда Наримонга гард юқтирмаяптилар. Аксинча, унинг сохта сўзлари, бесаноқ алдашлари ташкилот раҳбарларини сукутга солиб қўяётир.

Сурайё ҳамон жамоат ишида актив қатнашмоқда, ўз ўқувчиларини меҳр-муҳаббат билан тарбиялайди. Уни фақат бир нарса азобламоқда, холос. У ҳам бўлса Наримоннинг бевафолиги, виждонсизлиги, хотинбозлиги, маишатпарастлигидир.

Узбекистон ССР Давлат ишлаб чиқариш геология комитети раҳбарлари энди геолог-инженер Наримон Муҳамедовнинг хулқ-атвори, қилмиши ҳақида жиддий ўйлаб кўрсалар керак. Эрна йигитнинг жиловини қўйиб юборилса у виждонли, пок аёлларни яна хўрлайди, оёқ ости қилади, совет геолог-инженерлари номига доғ туширади.

Воси МАҲКАМОВ,
Раҳматилла ИСҲОҚОВ.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: «ПРАВДА ВОСТОКА» КУЧАСИ, № 26.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 26545, Редактор ўринбосарлари — 27914, 29323. Масъул секретарь — 34455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 27283. Партия турмуши — 33469, 31226. Пропаганда — 27221. Саноат, қурилиш ва транспорт — 34780. Совет қурилиши — 33258. Қишлоқ хўжалиги — 27604. Адабиёт ва санъат — 32036, 31226. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34451. Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005, 33553. Иллюстрация — 34524. Стенографистка — 27343. Эълонлар — 28142. Коммутатор — 30249, 30250, 30251, 30252, 30253, 30254, 30255, 30256, 30257, 30258.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р. 03691. ИНДЕКС 64543 № В. 61.